

УЙДА ҚОЛИНГ, БИЗ СИЗ УЧУН ХИЗМАТДАМИЗ!

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ


VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-коднинг
телефон орқали
сканер қилинг.



ВАТАН, СЕНИНГ
ҚАЛҚОНИНГМАН ТО АБАД!



3-бетда

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

● «Москва – Бухоро» авиарейсида яна 249 нафар ватандошимиз Бухорога олиб келинди. Коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича вилоят штабининг маълум қилишича, 25 март куни кечга яқин Россия Федерациясидан 604-рейс билан учиб келган йўловчиларнинг ҳар бирига нисбатан тиббий-профилактик назорат ўрнатилган.

ЎЗБЕКИСТОН

HAFTA ICHIDA

7 ДЎСТИНГИЗ КИМ?..

10 ҚАҲРАМОНЛАР
ЎЛМАЙДИ

15 ҚИЛИЧ ВА ХАНЖАР
ҚИССАСИ

18 ЁРИБ ЎТИШ



4-бетда

«ҲАМДЎСТЛИК – 2020»

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Ҳамид ва Бош вазири Шайх Ҳасина Вазедни Бангладеш мустақиллиги куни билан муборакбод этди.

● Парламентда барча партиялар вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузилди. У Евросиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликни таҳлил қилади. Ишчи гуруҳга раҳбар этиб спикер биринчи ўринбосари Акмал Саидов тасдиқланди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

ФУҚАРОЛАРНИНГ КОРОНАВИРУС ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ ЭКАНЛИГИ АНИҚЛАНДИ

2019 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлган COVID-19 коронавируси инфекцияси дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатларида тарқалди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам коронавируси билан касалланган беморлар аниқланган.

Мамлакатимизда ушбу хавфли инфекция тарқалишининг олдини олиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича чекловлар ўрнатилди, ўқувчилар ва талабалар таътилга чиқарилди, тиббиёт муассасалари махсус иш режимида ўтказилди, халқаро йўловчи ташишлар тўхтатилди, хориждан Ўзбекистонга қайтган ва касалланганлар билан алоқада бўлган фуқаролар карантинга олинди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, кўп нарса фуқароларимизнинг ўзига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18 мартда маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида қайд этганидек, «бунинг учун биринчи навбатда шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур».

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази аҳолининг коронавируси инфекцияси ва унинг тарқалиш йўллари ҳақидаги хабардорлик даражасини аниқлаш ҳамда фуқароларнинг мамлакатимизда ушбу касалликнинг тарқалишига йўл қўймастик бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги тўғрисидаги фикрини ўрганиш мақсадида аҳоли ўртасида телефон орқали сўров ўтказди.

Тадқиқот икки босқичда ўтказилди. I босқич – 2020 йилнинг 26 февралдан 2 мартгача ва II босқич 16 мартдан 20 мартгача ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган 18 ёш ва ундан юқори бўлган эркеклар ва аёллар, ёшлар ва кекса авлод вакиллари иштирок этди.

Телефон орқали ўтказилган сўровда фуқароларнинг 75,4 фоизи коронавируси инфекцияси ҳақида тўлиқ хабардор экани аниқланди. Хусусан, сўровнинг ҳар бешинчи иштирокчиси «бу ҳақда эшитгани, бироқ батафсил маълумотга эга эмаслиги»ни таъкидлаган.

Сўров босқичлари бўйича ўтказилган мониторинг «тўлиқ даражада хабардорман», деб жавоб берган фуқаролар сони 29,7 фоиз ошган

ини кўрсатди. Бу мамлакатимизда COVID-19 коронавируси инфекцияси ҳақида кенг аҳоли қатламларига тўлиқ ва ишончли маълумотни етказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарали эканидан далолат беради. Ишончли манбалардан коронавируси тўғрисида ҳолис ахборот олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, телефон орқали ўтказилган сўров коронавируси юқис йўлларида фуқароларимиз юқис даражада хабардор эканини ҳам

инфекциясининг олдини олиш, аниқлаш ва тўхтатишга қаратилган чора-тадбирларига ижобий баҳо беришларини кўрсатди. Аксарият юртдошларимиз мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистонда коронавирусининг тарқалишига йўл қўймастикка қаратилган ишларини ижобий баҳоламоқда.

Вилоятлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси (85,7 фоиз), Жиззах (81,3 фоиз), Навоий (81,3 фоиз) ва Сирдарё (76,9

дан хабардорлигини ҳам кўрсатди. Иштирокчиларнинг 42,1 фоизи фикрича, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш коронавируси химояланиш ва унинг олдини олишининг энг асосий йўли ҳисобланади. Ҳар учинчи фуқаро тиббий ниқоблардан фойдаланиш касалликдан химояланишга ёрдам беради, деган фикрда бўлса, уларнинг 15,9 фоизи одамлар гавжум бўлган жойларга боришдан сақланиш лозимлигини билдирмоқда.

Сўров фуқароларнинг аксарияти (88 фоиз) ўзи ва яқинларини коронавируси химоя қилиш учун зарур шахсий гигиена воситалари (тиббий ниқоблар)га эга эканини кўрсатди. 4,3 фоиз иштирокчилар тиббий ниқоб сотиб ололмаганини, 6,3 фоиз қатнашчилар ниқобларни харид қилишни режалаштираётганини маълум қилган.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг 36,9 фоизи тиббий ниқобларни дорихоналардан харид қилган. Сўровда иштирок этган ҳар бешинчи фуқаро дорихонада тиббий ниқоб қолмагани сабабли уларни харид қилолмаганини маълум қилган. Фуқароларнинг 13,6 фоизи эса дорихоналарга ҳам бормасдан мустақил равишда ниқоб тикиб олган. Ҳар ўнинчи фуқаро тиббий ниқоб сотиб ололмагани ва инфекциядан ўзини химоя қилиш учун уни ўзи тикиб олишга мажбур бўлганини билдирган.

Умуман олганда, сўров натижалари аксарият фуқаролар Ўзбекистонда коронавирусининг олдини олиш, аниқлаш ва унга барҳам бериш мақсадида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга ижобий баҳо бераётганини кўрсатди. Мониторинг коронавирусининг хавфини англаб етган ҳамда ўзи ва яқинларини ушбу инфекциядан химоя қилиш усулларидан хабардор фуқаролар сони ортганини кўрсатди.

Шундай бўлса-да, сўров натижалари фуқаролар, айниқса ёшларнинг коронавирусининг тарқалиши ва ундан химояланиш йўллари, шахсий гигиенага риоя қилиш, аҳоли гавжум жойларга бормаслик тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш бўйича ишларни янада давом эттириш зарурлигини кўрсатди. Махсус тушунтириш ишлари оддий ва ҳамма учун тушунарли тилда олиб борилиши керак. Барча оммавий ахборот воситаларида ўзи ва яқинларини коронавируси химоя қилиш усуллари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш ниятда зарур.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази

(ЎЗА)



кўрсатди. Масалан, сўровнинг аксарият қатнашчилари инфекциянинг касалланган бемордан ўтишини ва вирус ҳаво-томчи йўллари ёки алоқа орқали юқишини яхши билади.

Мониторинг коронавируси юқиши тўғрисида хабардор бўлган фуқаролар сони 23,6 фоиз ошганини кўрсатди.

Телефон орқали ўтказилган сўров натижаларига кўра, телевидение коронавируси тўғрисида ахборот олишининг асосий манбаи бўлиб қолмоқда. Сўровнинг ҳар иккинчи иштирокчиси коронавируси инфекцияси билан боғлиқ маълумотлар билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси дастурлари орқали танишаётганини билдирган. Аҳолининг фикрича, Интернет ҳам муҳим манба ҳисобланиб, у орқали мамлакатимиз ва жаҳонда коронавируси тарқалиши, ушбу касалликдан химояланиш усуллари ва унинг тарқалиши олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида коронавируси инфекцияси ҳақида етарлича маълумот тақдим этилаётгани, деган саволга аксарият қатнашчилар, яъни 92 фоиз фуқаро ижобий жавоб берган. Таъкидлаш жоизки, ушбу фикрга қўшилганлар сони иккинчи босқичда 25,5 фоиз кўпайган.

Сўров фуқароларнинг 68,1 фоизи давлатимизнинг коронавируси

фиоз) вилоятларида коронавируси инфекциясининг кириб келиши олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар фуқароларимиз томонидан юқис баҳоланган. Унда сўров иштирокчилари уларнинг вилоятда барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини билдирган. Тошкент ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида паст кўрсаткичлар аниқланган.

Сўров фуқароларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига бўлган фикрларини ҳам аниқлади. Масалан, фуқароларнинг 54 фоизи фикрича, мамлакатимизда коронавируси инфекциясига чалинган беморлар аниқлангани сабабли маҳсулотлар нархи ошган. Фуқароларнинг 38 фоизи нарх-наво ошмаганини қайд этган.

Ҳудудлар кесимида фуқароларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига оид фикрлари турлича. Бухоро ва Андижон вилоятининг ҳар иккинчи фуқароси ҳамда Наманган вилоятида истиқомат қиладиган фуқароларнинг 47,3 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошган, деб ҳисоблайди. Сўровда озиқ-овқат маҳсулотлари ошган, деб ҳисоблайдиган фуқаролар сони Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида энг паст кўрсаткични кўрсатди.

Телефон орқали ўтказилган сўров фуқароларнинг коронавируси химояланиш тўғрисидаги маълумотлар-

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни «COVID – 19» юқумли хасталиги билан касалланишининг олдини олиш мақсадида, Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳарбий хизматчилар орасида бу касаллик тарқалишининг олдини олиш учун барча куч ва воситалар жалб қилиниб, касалликка қарши профилактик ва эпидемиологик тадбирлар доимий равишда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда барча ҳарбий қисм ва муассасаларнинг назорат ўтказиш пунктларида санитария-карантин тадбирлари кучайтирилиб, ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизмат-

чилари ва фуқароларнинг кириб-чиқишлари устидан зарур назорат ўрнатилган.

Ҳарбий шифокорлар томонидан кириб чиқувчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва махсус текширувдан ўтказиш ишлари амалга оширилиб, уларнинг антисептик воситалар, тиббий ниқоб ва қўлқоплар билан таъминланиши қатъий назорат остига олинган, бу каби воситалар бўлмаган шахсларнинг ҳудудга киритилиши қатъий тақиқланган.

Шунингдек, соҳанинг малакали мутахассислари томонидан ҳарбий хизматчиларга коронавируси касаллигининг салбий оқибатлари ва вирусдан сақланиш борасида тавсиялар берилиб, тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва муассасаларда карантин бўйича кўрсатма ва чекловларга риоя этилиш ҳолати ўрганилиб, ошхоналар, ётоқхоналар, машғулот ўтиш хоналари ҳамда бошқа бино ва иншоотлар доимий равишда дезинфекция қилиниши, ҳарбий савдо ташкилотлари томонидан эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларнинг етказиб берилиши ҳамда нарх-навоининг сунъий оширилиши олдини олиш устидан назорат олиб борилмоқда.

Адлия подполковниги Отабек ХОЛБОВЕВ, Тошкент ҳарбий прокурори

«УЙДА ҚОЛИНГ»

“ Ўтган йилнинг сўнги ойларидан бошланган коронавирус балоси бугун дунёнинг деярли барча мамлакатини ўргимчак тўри мисоли қамраб олишга ўлгурди. Афсуски, бу бизга ҳам четлаб ўтмади. Жорий йилнинг 15 март кунидан бошлаб юртимизда ҳам коронавирусга чалинган беморлар мавжудлиги аниқлана бошланди.

Юртимизда ушбу инфекциянинг кумови кенгаймаслиги учун ҳукумат даражасида барча чоралар кўриломоқда. Жумладан, барча турдаги таълим даргоҳларида вазият барқарорлашгунга қадар таътил эълон қилинди. Жамоат транспорти ҳаракати ҳам тўхтатилди ва бошқа кўплаб зарур чоралар кўриломоқда.

Ҳозирги кунда чет мамлакатларда бўлиб турган фуқароларимиз махсус чартер рейслар орқали мамлакатимизга олиб келиниб, 14 кунлик карантинда сақланмоқда. Карантинга олинган

Карантинга олинган ҳудудлар назорати кучайтирилди



объектларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, тиббий назоратдаги юртдошларимизнинг ўзбошимчалик билан белгиланган ҳудудни тарк этишларининг олдини олиш мақсадида назорат чоралари кучайтирилмоқда.

Фуқароларимиз хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида бугун карантинга олинган объектларда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари куну тун ўз хизмат фаолиятини олиб бормоқда. Хавфсизликнинг бу тарзда кучайтирилиши, шубҳасиз, ҳамюртларимиз саломатлиги ва мамлакатимизнинг ушбу касалликдан та-

лафотсиз ва тезроқ халос бўлишига замин яратади.

Карантин чора-тадбирлари белгиланган жойларда хизмат ўтаётган ҳарбийлар хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустақамлаш, аҳолига тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида Республика Ҳарбий прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари мазкур объектларда бўлишди. Бу каби тадбирлар барча ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Ҳамкорликда олиб борилаётган бу каби ишлар, албатта, касалликнинг чекинишига хизмат қилади.

**Адлия подполковниги
Лазиз ЭРДОНАЕВ,
Республика Ҳарбий
прокуратураси бўлим бошлиғи**

“ «Уйда қолинг». Инсонларни ўз соғлиғи учун қайғуришга ундовчи, шунинг билан бирга, бошқалар саломатлиги учун ҳам жавобгарлик масъулиятини англатувчи бу ғитоб қисқа вақт ичида мамлакатимиз бўйлаб яшин тезлигида тарқалди ва инсонлар қалбида акс садо берди. Тўғри, биз доим ўз саломатлигимиз учун қайғурганмиз. Лекин касаллигимиз бошқалар учун ҳам катта хавф бўлиши мумкинлигини ёки аксинча, ўзгалар саломатлигининг ёмонлашуви бизга ҳам дахл қилишини ҳатто фикрлаб кўрмаганмиз. Бугун эса фикрлаяпмиз. Улардан чиқарган хулосаларимиз, англаганларимиз шундай: ўзгаларни муҳофазалаш – ўзимизни муҳофазалаш билан баробар.

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН ВИРУС



ДУНЁДА АХВОЛ ҚАНДАЙ?

Бугун коронавирус шундай улкан кучга айланди, у борган сари дунёни ўз исканжасига олапти. Тўғри, бутун дунё шифокорлари ҳамжиҳатликда бу инфекцияга қарши курашапти, натижалар ҳам йўқ эмас. Лекин шундай бўлса-да, ўлим кўрсаткичлари каймагани йўқ.

Жонс Ҳопкинс университети маълумотларига кўра, коронавирусдан энг кўп ўлим ҳолатлари Италия (5 476), Хитой (3 271), Испания (2 206), Эрон (1 812) ва Францияда (674) қайд этилган. Дунё миқёсида коронавирус энг кўп аниқланган мамлакатлар: Хитой (81 496), Италия (59 138), АҚШ (35 345), Испания (33 089) ва Германия (27 289). Инфекциянинг энг катта ўчоқлари Хитой, АҚШ ва Италияда. Бугун дунёда энг тез корона-вирус тарқалаётган мамлакат Жанубий Корея Республикаси дейилмоқда. Мамлакатда 833 та ҳолат аниқланган, 7 нафари ўлим билан яқунланган. Энг кўп ҳолат мамлакат жануби-шарқидagi Тегу шаҳрида аниқланган – у ерда фаолият юритган «Иисус Синчхонджи черкови» диний сектаси Кореядаги коронавируснинг ўчоғи саналади. Сектанинг 9 000 аъзосидан ярами карантинга олинган. Чунки шу кунгача секта аъзоларидан бирида вирус топилса ҳам, у шифохонага мурожаат қилишдан бош тортган. Сўнгра вирус атрофдагилар орасида шиддат билан тарқалган.

КОРОНАВИРУС ЯНГИ КАСАЛЛИК ЭМАС

Коронавирус фанга 2002 йилдан буён маълум бўлишига қарамай, шу пайтга қадар тарқалиш хавфи пастлиги учун олимлар томонидан етарли даражада ўрганилмаган ва унга қарши самарали воситалар ишлаб чиқилмаган. Қолаверса, юкумли касалликларнинг олдини олишда кенг қўлланадиган вакциналар ҳам яратилмаган. Умуман, сўнги йиллардаги қатор вирусларга қарши вакцина яратиш ортада қолмоқда. Сабаби, вирус тез мутацияга учрайди ва унга қарши ишланган воситалар бефойда бўлиб қолади. Вакцина ишлаб чиқиш кўп муддат ва маблағ талаб қиладиган жараён, ишлаб

чиқиб бўлинганда эса аҳамиятини йўқотиши мумкин. Айнан ушбу вируснинг бу қадар кенг шов-шув бўлишининг яна бир жиддий сабаби – у Хитойда пайдо бўлганидир. Аҳоли ниҳоятда зич ва қўшни давлатлар билан алоқалар беҳад тигиз бўлган бу мамлакатда вируснинг тарқалиш хавфи жуда юқори бўлди. Лекин шу билан бирга, Хитой бундай касалликларга қарши курашишда ҳам катта тажриба тўплаган. Тўғри, ўлим хавфи бор. Аввало, ўлим нима сабабдан келиб чиқаётганига эътибор бериш лозим. Айни бу вирус ўпкани жиддий зарарлаши ортидан кўп кишининг умрига зомин бўлмоқда. Қолаверса, ҳар қандай юкумли касаллик сингари бунда организмнинг умумий ҳолати ҳам жуда муҳим. Кимдир айни касалликни оддий шамоллашдек ўтказса, кимдир асоратлар ортидан вафот этиши мумкин. Лекин ўпка ва бошқа ички аъзолар жиддий зарарланган тақдирда ҳам ўлим ҳолати 30 – 35 фоиз атрофида кузатилиши аниқланган. Яъни ўз вақтида ва тўғри даволаниш касалликдан бутунлай фориғ бўлишни аниқлатса, энг оғир ҳолатларда ҳам яшаб кетиш имконияти нисбатан юқори. Ҳозиргача вафот этганлар орасида энг ёши 48, энг кексаси эса 89 ёшни ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲОЛАТ

Мамлакат бўйлаб карантин эълон қилинди. Ўзбекистонда корона-вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрини бошқа вилоятлар билан боғловчи йўлларда назорат кучайтирилди, постлар Мудофаа вазирлиги назоратига ўтказилди. Қамчик довоида транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланди. Фақатгина Фарғона вилоятидан бошқа вилоятларда доимий рўйхатда турувчи фуқароларга яшаш манзилларига етиб олишларига имкон берилди.

«Фуқаролардан ушбу чекловларни тўғри қабул қилишларини, олиб борилаётган тадбирлар ва белгиланган тартибларга қатъий амал қилиш орқали хавфли вируснинг республикамизда тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшишларини сўраб қоламиз!» дейилади ИИБ ЙҲХББ ахборот хизмати

хабариди. Сўнги маълумотларга кўра, (26 март ҳолатига кўра) Ўзбекистонда бу касалликка чалинганлар сони 65 тани ташкил қилади. Қувонарлиси, касалланганлар орасида соғайиш жараёнини бошдан кечираётганлар ҳам бор.

ҚАНДАЙ ТАРБИТОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Масс-медиа фонди ва бошқа кўплаб ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида «Coronavirus Info» Telegram канали ташкил қилинди. Айни вақтда шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан <http://coronavirus.uz> расмий веб-сайти ишлаб турибди. Унда сиз корона-вирус тўғрисидаги барча керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Хусусан, сайтда жаҳон ва Ўзбекистондаги эпидемик вазият, ҳар кунлик тезкор ва ишончли манбалардан олинган сўнги янгиликлар тақдим этиб бориламоқда. Бундан ташқари, аҳолини қизиқтираётган саволларга жавоб бериш учун икки тилда фаолият кўрсатаётган махсус бот – @covidhelpuzbot ҳам яратилган.

КОРОНАВИРУСДАН ҲИМОЯЛАНИШ УЧУН...

«Энг муҳими, тозалikka рия қилиш, жамоат жойлари ва вирус хавфи бўлган ҳудудларда ниқобсиз юрмаслик, қўлларни совунлаб ювиш жуда муҳим», дейди шифокорлар. Овқат қилиш давомида ҳамда ундан олдин ва кейин, шунингдек, овқатланишдан олдин, уй ҳайвонлари олдидан қайтганда ҳам қўлларни ювишни унутмаслик керак. Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бутун аҳолига қўл ювишнинг аҳамияти ҳақида SMS хабарлар тарқатилаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

САРИМСОҚ ВИРУСНИНГ ДАВОСИМИ?

Интернет тармоқларида яқинда шундай хабар тарқалди: «Коронавируснинг давоси топилди. Бу – саримсоқпиез». Ушбу ахборот ўз натижасини бермай қолмади. Бозорларда аҳолининг ушбу сабзавотга бўлган талаби кескин ошганлиги кузатилди ва саримсоқ нархи ҳам ақл бовар қилмас даражада кўтарилиб кетди. Савол туғилди: агар саримсоқпиез корона-вируснинг давоси бўлса, нега дунё олимлари унга эътибор бермаяпти? Нега мутахассислар томонидан тавсия қилинаётган профилактика рўйхатларида саримсоқпиез номи кўрсатилмаган? Тўғри, саримсоқнинг минг дардга даволиги ҳам илмий, ҳам амалий исботини топган. Аммо айнан корона-вирусга қарши юз фоиз даво манбаси эканлиги бўйича ҳеч бир расмий тиббий хулоса берилгани йўқ.

Шундай экан, мўмай даромад қилиш мақсадида тарқатилаётган бундай хабарларга эмас, тиббиёт ходимлари томонидан берилаётган расмий тавсияларга ишонинг ва уларга амал қилинг!

**Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА
тайёрлади.**

«ҲАМДЎСТЛИК – 2020»

Газетамизнинг ўтган сонида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси мудофаа вазирликларининг махсус операция кучлари ўртасида ўтказилган антитеррор махсус-тактик ўқув машғулоти ҳақида репортаж берган эдик. Бу гал ўша кенг қамровли ўқув йиғинидан тайёрланган фоторепортажни томоша қилишингиз мумкин.

ВАТАН, СЕНИНГ ҚАЛҚОНИНГМАН ТО АБАД!



Исломжон ҚЎЧҚОРОВ, «Vatanparvar»

СИЁСИЙ ШАРХ

Нефть нархлари барбод қилган Саудия Арабистони бошлаган шантажга Россия бўйсунмайди. Йўқотиш ва талафотлар Россия учун қанчалик катта бўлмасин, мамлакат биринчи бўлиб таъмин бўлмайди. Ҳукумат режасидан хабардор бўлган манбалар бир баррель нефть қиймати 20 доллардан пастга шўнғиса ҳам Россия расмийлари позицияни ўзгартирмайди. Бу фикрни бугун барча эксперт ва кузатувчилар яқдиллик билан тасдиқламоқда. Кремлдагилар «нефть уруши»ни ютишга қодир, негаки Кремль бунинг учун етарли захираларни анча олдин тўплаб қўйган. Россия Марказий банки раиси Эльвира Набиуллинанинг айтишича, мамлакат иқтисодиёти рубль курсининг эркин қўйиб юборилгани эвазига янги воқеаликка тез кўникиб кетди.

Бундай ёндашув ташқи зарбалар таъсирини камайтиради. Боз устига Россия ҳукумати иқтисодиётни дастаклашга йўналтирилган тезкор чораларни қабул қилди. Жумладан, 300 миллиард рубль миқдорда молиявий захира ва мураккаб вазиятда қолган компаниялар кредитларини ёпиш учун кафолат фонди ташкил этилди, қатор тармоқларда кичик ва ўрта бизнес учун солиқ таътиллари эълон қилинди. Марказий банк ички бозорда қўшимча савдоларни амалга оширишни эълон қилди.

Москва 2016 йил имзоланган ОПЕК+ (нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти + Россия) келишувидан чиқиш қарорига бу қадар асабий тарзда жавоб қайтариши ва нефть бозорларини ларзага келтиришини кутмаганди, аммо Саудия Арабистони ва унинг шерикларидан кўра кўпроқ бардош бериши кутилмоқда.

Подшоҳлик Россиянинг қазиб чиқариш борасидаги ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузаверишига жуда узоқ вақт сабр қилди, бироқ Москванинг қўшимча қисқартиришлардан бош тортиши унинг ғазаб отига минишига сабаб бўлди. Аммо юқорида айтилганидек, Москва нефть бозоридagi ҳар қандай ўйинга тайёр.

Халқаро нефть бозоридagi яна бир йирик ўйинчи АҚШ ҳам бир чеккада қўл қовуштириб ўтирмайди эмас. Вашингтон нефть нархи тушишига сабабчи бўлгани учун Россияга санкция киритмоқчи. Бироқ Яқин Шарқдаги иттифоқчиси Саудия билан дипломатик йўллар орқали келишмоқчи. АҚШ Давлат Департаменти Россиянинг энергетик соҳадаги ҳаракатларини душманона деб таърифлашга борди. Бу баёнотнинг ўзига яраша сабаби бор. Чунки Россия ва Саудия бошлаб берган нефть урушидан Американинг сланц нефть саноати улкан талафот кўрди. Энергия ресурслари қазиб чиқарувчи компаниялар банкротлик ёқасига келиб қолди. Нефть нархининг қулаши март ойидан бошланди. Коронавирус эпидемияси кенг тарқалиши, қорхона ва фабрикаларнинг ёпилиши саҳнада хом ашёга бўлган талаб тушиб кетди. «Россия иқтисодиёти жаҳон инқирозига бардош беришга тайёр, чунки Ғарбнинг қатор санкцияларидан кейин у стрессларга чидамли бўлиб кетди». «The New York Times» газетаси ана шундай хулосага жетди.

Сўнги ойлардаги воқеалар алоҳида тилга олинади: коронавирус эпидемияси жаҳон иқтисодиётини кўпроби ташлади, нефть нархи кескин тушиб кетди, ваҳоланки, Ғарб нуктаи назарида Россия энергия ресурсларидан олинган фойда ортидан ижтимоий дастурларни қоплайди. Аммо Россиянинг йирик компаниялари деярли қарзлардан холи, мамлакатнинг ўзи эса қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзини таъминлай олиш қудратига эга. Бундан ташқари, бизнес изоляцияда ишлашга мослашди, бу эса уларни ҳар қандай шариоитда ишлашга ўргатди.

Олдинроқ «Халқаро молия институти» ташкилоти (ИИФ) жаҳон иқтисодиётининг 3/1 қисмини иқтисодий бўҳрон қамраб олганини эълон қилди.

«НЕФТЬ УРУШИ» ДА КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?



Тахминларга кўра, иқтисодий тушқунлик даври камиди 2020 йил ўрталаригача давом этади. Ана шундай бир шариоитда «Роснефть» раҳбари Игорь Сечин нефть нархини аввалгидек 60 долларга кўтарилиши шартини айтди. Бунинг учун АҚШнинг сланц нефти бозорлардан сиқиб чиқарилиши керак. Аммо ҳозирча нефть нархи халқаро биржаларда 25 – 30 доллар атрофида «тебраниб» турибди.

Хуллас, бутун дунё Россиянинг 6 март куни Халқаро нефть қазиб чиқарувчилар ва экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти – ОПЕК билан музокараларда эггалган позициясидан ҳайратга тушди. Мамлакат ОПЕКнинг бутун Ер юзига тарқалаётган коронавирუსнинг салбий иқтисодий оқибатларини бартараф этиш мақсадида қунлик нефть қазиб чиқариш ҳажмини 1,5 миллион баррель (бир баррель – 159 литр)га қисқартириш қарорига қўшилишдан тўлиқ воз кечди. Натижада нефть уруши юзага келди. Саудия Арабистони аввалги 12 миллион баррель ўрнига қазиб чиқаришни 13 миллион баррелга етказиш, боз устига, харидорларига 5-6 долларлик чегира жорий этишга ҳам қарор қилди.

Саудия Арабистонининг давлатга қарашли Saudi Agamco компаниясининг ҳукумат фармойишига кўра қўллаган чораси нефть нархининг 30 фоизга тушиб кетишига сабаб бўлди. Саудиянинг Оказ газетаси бу қарор подшоҳликнинг ўрта ва узоқ истиқболдаги манфаатларига хизмат қилади ва Россиянинг ақлини киритиб қўядиган сабоқ бўлади, деган маънода мақола эълон қилди. Нашрнинг еслатишича, «Россия ОПЕКка кузатувчи сифатида 2016 йил охирида қўшилган ва қартел бу қарорни қувонч билан қабул қилгани, ахир бундай ҳамкорлик жаҳон нефть бозорига барқарорлик гарови бўлиб ҳисобланарди».

АҚШ энергетика вазири Дэн Бруйетт мамлакатда «қора олтин» қазиб

чиқариш рекорд даражада ошганини ва ўсишда давом этишини маълум қилди. АҚШ энергетик ахбороти бўйича бошқармаси прогнозига кўра, Қўшма Штатларда нефть қазиб чиқариш ҳажми келажакда қизирги 12,24 миллион баррелдан 13,3 миллион баррелгача ўсади. Шундай қилиб, энергия истеъмоли бозори қисқариши ва халқаро энергетик бозорларда энергия таъминоти ўсиши муносабати билан керагидан ортиқча захиралар пайдо бўлади, бу ўз навбатида нефть ва газ

авж олдириди. Сабаби Россия кейинги пайтларда сланц нефтини кенг ҳажмда қазиб чиқараётган ва халқаро бозорларда муносиб ўрин эгаллаб бораётган АҚШ иқтисодиётига зарба бериш имкониятини кўра олди.

Ҳозир нефть шу қадар арзонлашдики, Американинг кўплаб сланц компаниялари қазиб чиқаришни қисқартиришга мажбур бўлапти. Чунки қазиги сарфланаётган харажат ўзини оқламапти. Уловидан тушови қимматга тушмоқда. Йирик нефть компанияларининг акциялари вайрон бўлди, энергетик инқироз 2014 – 2016 йиллардаги бўҳронни, ўнлаб Америка нефтьгаз компанияларининг банкрот бўлишига ва юз минглаб ишчиларнинг қисқаришига сабаб бўлган ҳолатни эсга солиб юбормоқда. Тармоқ давлат ёрдами билан яшаб кетган бўлса-да, бошдан ўтказилган тажриба ўта оғриқли кечган.

Аммо Американинг етакчи нефть компаниялари ExxonMobil ва Chevron 2016 йилги ОПЕК+ (ОПЕК ва Россия) битими орқали юзага келган қулай вазиятдан \$50 миллиарддан зиёд фойда олган, негаки, ўша кезларда АҚШнинг нефть экспорти 5 марта ошди, қазиб чиқариш 8,9 млн баррелдан 13,1 млн баррелга ўсди.

Саудия Арабистони эса мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни, амбициязли лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга, Saudi Agamco акцияларини халқаро бозорларда жойлаштиришга муваффақ бўлди. Тахлилларга кўра, русларда қатор устунлик бор ва яқин пайтларда Саудия таъмин бўлади. Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, нефть нархи ҳар қанча арзон бўлмасин, саудияликларнинг қараганда Россия бюджетини бажариш осонроқ кечади. Россия қувурлар орқали экспортни ошириши мумкин, Саудия нефти эса танкерлар орқали истеъмолчига етиб боргани туфайли қимматга тушади.

Хуллас, Европа бозориди рақобат қучли, ана шу шариоитда қимматга тушадиган Америка экспорти сиқиб чиқарилади. Шу нуктаи назардан, АҚШ компаниялари даромадларининг кескин камайиши кутилмоқда, охир-оқибат қазиб ишлари иқтисодий маънони йўқотиш нуктасига келиб қолади. Иккинчидан, Саудия Ямандаги фуқаролар урушига аралашиб қолган. «Қора олтин»нинг ҳозирги нархи Саудия иқтисодиётини пасайтириб қўяди. Учинчидан, коронавирუს туфайли Ар-Риёд Умран оладиган 20 – 30 миллиард доллар атрофидаги даромаддан маҳрум бўлиб турибди. Тўртинчидан, Саудия валиахд шаҳзода Си Муҳаммад бин Салмоннинг «Саудия – 2030» стратегик ривожланиш дастури барбод бўлади.

Бугун Саудия нархлар урушида қўли банд келаётгандек туюлади. Аммо Россиянинг энг катта устунлиги – Хитой бозори. Қароргоҳи Парижда жойлашган Халқаро энергетик агентлигининг «2020 йилда жаҳон энергетик бозорининг истиқболлари» мавзусида чоп этилган прогнозиди айтилишича, Хитой ҳамон энергия ресурсларининг йирик истеъмолчиси бўлиб қолмоқда ва 2040 йилга бориб дунёдаги энг йирик истеъмолчига айланади. Хитой – Россия энергетик савдоси қувур орқали амалга оширилиши ва у 24 соат мобайнида оқимнинг узлуksизлигини таъминлай олгани сабабли бу омил Россия муаммоларининг ариши калитидир. Мана шу омиллар сабабли ҳам экспертлар «нефть уруши»нинг яқин бир неча ойлари ичида яқунланишини башорат қилмоқдалар. Бундан ҳеч қайси ўйинчи фойда кўрмайди.

Абдували САЙБАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

ХАЁТБАХШ ШЕЪРЛАР

Иккинчи жаҳон урушининг якунланганига 75 йил тўляпти. Бугун ҳам дунё нотинч. Қуролли тўқнашувлардан, диний можаролардан, қашшоқликдан, очликдан қочиб, Европага интилаётган ИНСОНЛАР... Суриядаги кескинликдан кейин Европа тезлик билан чегараларини ёпа бошлади. Бу узлуксиз тарқалаётган ахборотларнинг асосий мавзуларидан бири эди. Шундай кунларнинг бирида... ёпиқ чегараларни ҳам забт эта оладиган, миллат ва этниклар танламас сирли бир куч – «COVID-19» коронавирус инфекцияси шиддат билан тарқалди. Вирус ҳақида кўп гаплар айтилди, айтилмоқда. Инсоният синовда!

80 йил муқаддам бошланган улкан муҳораба бошида ким турган эди?! Одам, одамлар эди. У миллионлар умрига зомин бўлди. Бугун Европанинг қочоқларга муносабатини кўрсам, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Ўзбекистон ҳақида ўйлайман. 6,5 миллионнинг нари-берисидаги нуфус. Уни ҳам 1,5 миллиондан кўпроғи фронтда. Боладан тортиб қариягача ҳамма меҳнат қилади: эвакуация қилинган очиқ осмон остидаги заводларда, далаларда. Заҳматкаш халқ топганини фронтга жўнатди: олтини, дон-дунлари, энг сара ўғиллари, қизлари. Бечора халқим, меҳнаткашим, мушфиқим, ўзи нушқурт билан кифояланди. Ва шуни, топилганида бурда нонини ҳам бир неча юз минглаб эвакуация қилинганлар билан баҳам кўрди. Ота-онасиз болаларга иссиқ бағрини очди.

Мен аслида Иккинчи жаҳон уруши акс этган асарлар ҳақида гапирмоқчи эдим. Тўғрироғи, ўқиш учун тавсия қилмоқчи эдим. Ўша даҳшатли муҳораба ҳақида сўз кетганида ўзбек халқининг жасорати, саховати, фидокорлиги муносиб баҳоланмаслиги, фашизм устидан қозонилган ғалаба бир миллатгагина тегишли бўлиб қолаётгани ачинарлидир.

Биз урушни кўрмаганмиз. Аммо уруш одамлари билан ёнма-ён яшадик. Абдулла Орипов шеъриятдан бебаҳра одам топилмаса керак. Шеърларини ўқимаган одамлар ҳам унинг қаламига мансуб қўшиқларни мароқ билан тинглаганлар. Қаҳрамон шоиримизнинг «Аёл» деган шеъри бор:

*Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёху,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.*

*Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.*

«ЗАМИНДАЙ ВАЗМИНУ МЕҲНАТКАШ, МУШФИҚ...»

Ўн тўққиз ёшли бева... Бу урушнинг биргина фожиаси. Бундай фожиаларни рақамлар айта олмайди. Рақамлар фожиаларни англата олмайди, асли.

Бугунги ёш авлод... Юз билан юзлашиб қолган қарияларнинг суҳбати уларга эртадек туюлиши табиий. Бироқ эртақ бўлмаган ҳаётбахш асарлар сақланиб қолган.

Азиз ўқувчи, сиз Константин Симонов деган шоирни биласизми? Биласиз. Биринчи мисрадоққ танийсиз:

*Мени кутгил ва мен қайтарман
Ўлимларни қолдириб доғда...*

Ҳа, эсладингиз. Бу ўша миллионлар қалбидан жой олган, ўзга тилларда ҳам жозибаси, ҳароратини йўқотмаган «Мени кутгил» шеърининг муаллифи.

Ўзбек адабиётида ҳам шундай шеърлар борми? Бор, албатта. Улкан муҳорабада иштирок этган катта-кичик миллатларнинг ҳар бирида бундай қимматли асарларни топиш мумкин.

Шундай ҳаётбахш шеърлардан бири Фафур Ғулом қаламига мансуб «Сен етим эмассан» шеъридир. «Кўзим усти, миннатинг бошимга дурра» – бу шоирнинг эмас, улкан бир халқнинг муҳаббати.

Уруш йилларида Ўзбекистон 200 мингдан зиёд болани қабул қилиб олгани ҳақида маълумотлар бор. Булар рўйхатдан ўтганлари, рўйхатларда бўлмаганларининг ҳисоби қанча экан? Қариндошлар томонидан асраб олинган болаларнинг ҳам рўйхати топилармикан?!

«Сен етим эмассан» оддий шеър эмас. Унда болапарвар ўзбекнинг қиёфаси юрак қўри билан чизилган:

*Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг – онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор – отанг бор.
Чўчим, жигарим,
Ўз уйингдасан,
Бу ерда*

На ғурбат, на офат, на ғам.

Бунда бор: ҳарорат, муҳаббат, шафқат...

На ғурбат, на офат, на ғам... Шундай-миди? Ўзбекистон ғамдан йироқмиди? Энг сара ўғиллари фронтда қон кечиб юрса-ю, ғурбат бўлмасми?! Бисёр эди. Шунда ҳам бошқаларга ғамсиздек қучоқ очди, хонадони тўрини берди.

Бугун у болалар аллақачон улғайиб, униб-ўсдилар. Бироқ саноклилари қуёшли юртни хотирлайдилар.

Ўқиймиз:
*Нега чўчиб тушдинг,
Мурғак хаёлингга
Нималар келди?
Балки Одесс даҳшати,
Керчь фожиаси...
Онанг хўрландими,*



*Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайгурма, кўзим,
Кўзим усти,
Миннатинг бошимга дурра.*

Уруш ҳеч кимни аяб ўтирмаган. Болаларга ҳам шафқат қилмайди. Уруш тугаганидан бир неча йиллар ўтиб, ота-онаси билан топишган қувончли хабарларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Фёдор Кульчиковскийнинг тақдири бунга мисол. Уруш боласи кичкина Фёдорга Тошкент иссиқ бағридан жой берди. Шу ерда улғайди. Онаси уни изларди, умид билан, ишонч билан. Ниҳоят уни Тошкентдан топди. Уларнинг қувончига бутун Ўзбекистон шерик бўлди.

«Сен етим эмассан» эса шундай умидбахш сўзлар билан якунланади:

*Ҳақорат емрилуру,
Зулм янчилуру,
Жаҳонда бўлурмиз
Озод, музаффар.
Сен етим эмассан,
Менинг жигарим!*

Урушнинг якунланганига 75 йил... Яна шу сўзларни такрорлаяпман. Узоқ кутилган ғалабадан кейин одамлар энди уруш бўлмаслигига ишонардилар. Бироқ ҳамон ёвузликлар барҳам топмади. Дунё дардлардан фориг бўлмади. Тарих ибрат бўлса эди, бугуннинг ташвишларига инсонлар очиқ қалб билан боқсалар эди, тинчлик нақадар қадрли неъмат эканини теранроқ англадилар. Инсонга умид йўлдош. Юқорида дунё ташвишига айланган коронавирус инфекциясига бежиз тўхталмадик. Бугуннинг ташвиши инсонларни эзгулик йўлида бирлаштиришига умид қиламиз.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»**

КАЛЬ НИДОСИ

“ Ҳар бир сўзимизда Одам алайҳиссаломнинг авлодимиз, деб фахрланамиз. Бироқ ҳеч қайсимиш жоҳил Қобилдан тарқаганмиш, деб айта олмаймиш. Бунга ғурур йўл қўймайди. Аслида хулқ-атворида жоҳиллик йўқ одамни топиш мушкул. Хўш, нега шундай?!

Одам ато билан Момо Ҳаводан туғилган Шис алайҳиссаломнинг фарзандлари ва аёллари гина-қудурат бўлмаган экан. Хўш, нега ҳозиргина-қудурат кучайиб кетган?!

Шисдан туғилган Ануш отаси ва бобосининг васиятларига амал қилиб, биринчи марта камбағалларга садақа берган. Хўш, ҳозирги бойлар қанчалик бойишмасин, нега камбағалларга мурувват қилишмайди?!

Араблар, туркийлар, румликлар, ҳабашлар, ҳазарлар ва бошқа халқлар Нух алайҳиссаломнинг авлодларидир. Хўш, нега улар бугунги кунда бир-бирларига душман назари билан қарайдиган бўлиб қолишган?!

Араблар билан яҳудийлар битта отадан – Иброҳим алайҳиссаломдан тарқаганлар. Бироқ бугунги кунда улар ўртасидаги ўзаро душманлик жаҳонни ларзага солиб турибди. Хўш, нега?!

Мусулмон аёлларнинг энг яхшиси Ҳадича онамиз бўлса, биз Бани Исроил аёлларининг энг яхшиси деб Марям бинти Имронни тан оламиз. Уша покиза аёлдан туғилган Исо алайҳиссаломни биз улуг пайғамбарлардан бири деб биламиз. Унда нега ул зотнинг авлодлари мусулмонларга тош отиб, тамға босишни қанда қилишмаяпти? Бугунги кунда жаҳонда икки миллиард нафарга етган мусулмонлар Аллоҳнинг охириги пайғамбари – Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирадилар. Шунга қарамасдан, нега улар ўртасида бир-бирларига нисбатан аҳиллик, оғизбирлик, одиллик, холислик ва қатъиятлик йўқ?!

Мен кўп йиллик кузатишлардан сўнг бу саволларга жавоб топдим. Дастлаб шайтон Қобилни қандай қилиб йўлдан оздирган бўлса, шу пайтгача ҳам ўша шайтон одамлар орасига раҳна солиб келмоқда. Бунга сабаб шуки, манфаат, мансаб, мартаба, ҳасад, игво, фитнес, кўролмаслик, маддоҳлик, мунофиқлик, хиёнат кабилар шайтоннинг сеҳр қуролидир. Камдан-кам одамларгина бу сеҳрга қарши тура оладилар. Бу сеҳр таъсирида ота болага ёки бола отага, ака-укалар ёки опа-сингиллар, қўни-қўшнилари ёки ҳамкасблар, диндошлар ёки миллатдошлар бир-бирларига душман бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Бу сеҳр дўстни душманга ёки душманни дўстга, қариндошни бегонага ёки бегонани қариндошга, қотилни қаҳрамонга ёки қаҳрамонни қотилга, подшоҳни гадога, гадони подшоҳга айлантира олади.

Шайтон айниқса, мансаб ёки манфаат учун курашга кирган одамни қаттиқ сеҳрлайди. У ҳеч нарсдан тап тортмайди. Керак бўлса, диндан, ўзлигидан, ғуруридан, ор-номусидан, ҳатто отасидан, ота-онасидан воз кечиб бўлса ҳам

ДЎСТИНГИЗ КИМ?..

мақсадига эришади. Мен ҳаётда бунақаларнинг кўпини кўрдим. Баъзилар мансаб-мартаба ва манфаат учун минг мақомга йўғалашади. Улар костюм-шим кийиб, галстук тақишга нолойиқ одамлар.

Тўғриси, унақаларни кўравериб, ҳайратланмай қўйдим. Фикримни айрим мисоллар билан исботламоқчиман. Таникли бир прокурор

ман, деб кунлар ва тунларни бедор ўтказаетганлар йўқ дейсими? Уларнинг эҳтиёткорлиги шу даражадаки, эски танишларига салом беришмайди, собиқ устозларини тан олишмайди, истеъдодлиларни менсимамайди, содиқ дўстларнинг кўнғироқларига жавоб беришмайди, аммо бирон-бир фойдаси тегадиган ҳар қандай ҳолатда қўллай оладиган

Бўлмаса, бош муҳаррир турли тадбирларда учрашганда мен билан куюқ саломлашарди. 90-йиллар бошида Талабалар шахарчасида бўлган тўс-тўполонлар ҳаммининг ёдида. Ушанда тўполонда қатнашганлар ишга олинмасин, деган топшириқ бўлди. Мен Ўзбекистон радиосида кадрлар бўйича директор ўринбосари эдим. Топшириққа қарамасдан ўша тўполонда қатнашган бир журналист йигитни ишга олдик. Ҳозир бу «шоғирдим» мен билан саломлашишга ҳам ор қилади. Лавозими катта эмас, аммо такаббурликда тенгсиз. Номард шоғирд онам ўлганда телефон орқали ҳам таъзия билдирмади.

Ана шундай ҳолатлар ҳақида ўйларканман, Қобилдан тарқалган жоҳиллик қай даражада яшовчан эканлигидан ҳайратланмайман. Шайтон инсонни жуذا осонлик билан йўлдан оздиради. Эҳтимол, бу охирзамонгача давом этади. Ота-оналар билан фарзандлар, қариндошлар билан қўни-қўшнилари, устозлар билан шоғирдлар, миллатдошлар билан диндошлар, давлатлар билан халқлар, бойлар билан камбағаллар ўртасида бўлиб турган кўнгилсизликларга асосан манфаат деб аталадиган шайтоний сеҳр сабабчи. Инсоният яралибдики, манфаатлар тўқнашуви ҳаммиша дунёни алғов-далғов қилиб келяпти. Бундай тўқнашувлар бундан кейин ҳам кучайиб боришига ҳаммининг ақли етиб турибди. Унутманг, бугунги дунёда хиёнатсиз, ҳасадсиз, фитнесиз, зўравонликсиз, мунофиқликсиз, маддоҳликсиз мақсадга, яъни манфаатга эришиб бўлмайди.

Хўш, мафода ўғлингиз, дўстингиз, қўшнингиз, ҳамкасбингиз, диндошингиз, миллатдошингиз хиёнат қилгудек бўлса, унда кимга ишонасиз?! Албатта, Аллоҳга! Яратган Эгам бизни барча хиёнатлардан, бало-қазолардан, дуо-жодулардан, ҳасаду фарзлардан сақлайди. Ягона Аллоҳгина Ўзи яратган инсонга содиқ дўстдир! Бунга англаб етмаган инсон шайтоннинг малайига айланади қолди ва «манфаат» деган сеҳрли тегиримон тошида майдаланиб бораверади.

Алишер Навоий «Муножот» аса-рида дейди:

«Илоҳи, беҳуда ишлар майидан мастман, ғурур ва риё жомидан майпарастман, булар билан шайтонга қўлдошман. Илоҳи, такво бергилки, алдовчи нафс унга мағлуб бўлсин, парҳезкорлик насиб этгилки, нобакор шайтон боши унинг оёғи остида бўлсин».

Аллоҳ нафақат инсоннинг ягона содиқ Дўсти, балки унинг гуноҳини мағфират қилгувчи ягона Илоҳий Зотдир.

«Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилса, Сенга юзлангайман ва агар Сен рад қилсанг, нетгайман ва кимга кетгайман?!»

Ана шундай ҳолатга тушмаслик учун тўғри йўлни танаб, тақволи бўлиб, тавба қилиб яшайлик. Шундагина Аллоҳнинг марҳамати ва мурувватига сазовор бўламиз. Бу Дўст бизни ҳар қандай ҳолатда ҳам асрайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат
қўрсатган журналист

АЛИШЕР НАВОИЙ «МУНОЖОТ» АСАРИДА ДЕЙДИ:

«ИЛОҲИ, БЕҲУДА ИШЛАР МАЙИДАН МАСТМАН, ҒУРУР ВА РИЁ ЖОМИДАН МАЙПАРАСТМАН, БУЛАР БИЛАН ШАЙТОНГА ҚЎЛДОШМАН. ИЛОҲИ, ТАҚВО БЕРГИЛКИ, АЛДОВЧИ НАФС УНГА МАҒЛУБ БЎЛСИН, ПАРҲЕЗКОРЛИК НАСИБ ЭТГИЛКИ, НОБАКОР ШАЙТОН БОШИ УНИНГ ОЁҒИ ОСТИДА БЎЛСИН».

АЛЛОҲ НАФАҚАТ ИНСОННИНГ ЯГОНА СОДИҚ ДЎСТИ, БАЛКИ УНИНГ ГУНОҲИНИ МАҒФИРАТ ҚИЛГУВЧИ ЯГОНА ИЛОҲИЙ ЗОТДИР.

қайнотаси қамалиб кетганида мансабига зарар етмаслиги учун хотини ва фарзандларидан бутунлай воз кечиб қўя қолди. Қарийб 20 йил Рашидовга хушодам қилиб яшаган бош вазир Шароф ака ўлгач, уни биринчи бўлиб ёмонлади. Рашидов таваллудининг 100 йиллиги тантанасида Гднлнга уни порахўр деб ёзиб берганлар қатнашдилар. Машҳур бир вилоят ҳокими лавозимидан бўшатилганида отамизнинг касофати тегмасин, деб фарзандлари уни Қариялар уйига топширишди. Бунга чидай олмай, ота ўша жойда жон берди. Биринчи Президент таваллудининг 80 йиллигига бағишланган танловда қатнашиб, рағбатлантирувчи мукофот олганида, «Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси» деган катта альбом соғға қилишган эди. Унда юздан ортиқ зиёлилар ва турли даражадаги арбоблар унинг хизматларини улуглаб ёзишган бўлса, ҳозир уларнинг аксарияти оммавий аҳборот воситаларидаги чиқишларида ўша даврни камситиб гапиришяпти. Ваҳоланки, улар ўша пайтда ҳам ҳозиргидек юксак мансаб-мартабада эдилар. Айтинг, халқимиз уларнинг қайси сўзларига ишонсин? Бироқ мен бундай пайтда телеэкранга эмас, уялганимдан ерга қараб ўтираман. Яхшиямки, Ўзбекистон раҳбарияти жоловини бошқариб турибди, бўлмаса, «Ўзбекистоннинг ўз Сталини бор эди», деб сафсата сотувчилар йўқ эмас. Бундай сафсатани ўтган йили «Би-Би-Си» бошлаб берган эди. Бироқ мен «Сталин»нинг қораланишини кутманг», деб «Ватанпарвар» газетасида чиқиш қилдим.

Баъзиларга ҳозирги мансаблари камлик қияпти. Ўзларини ўтга, сувга уриб, дўстга, биродарга, ҳамкасбга, устозга, қондош-жондошга, бурч ва масъулиятга хиёнат қилиб, ялтоқлик ва маддоҳликнинг тундли кўчаларида санкиб юрганлар оз эмас. Назарга тушиб қолармикан-

раҳбар кимларни яхши кўриши ва кимларни ёмон кўришини аниқлаб олганидан сўнггина қайси рўйхатда қайд этилганингизга қараб ё сизнинг қаршингизда мулойим мушукдек тиржайиб туришда ё сизни кўрганда шаталок отиб қочишади. Мен бунақаларнинг кўпини кўравериб, пишиб кетганимдан термилганга қуллук қилиб ёки қочганини қувиб ўтирмайман.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтмай: учта жойда раҳбар бўлиб ишлаганимда шоғирдларим кўплигидан кўчада оёқ бошига, ишда тажрибамни ўргатишга, уйда ором олишга имкон тополмасдим. Дам олишга чиққанимдан сўнг эса ўшалардан бирортаси уйимга келиб-кетиб қилганини эслай олмайман. Агар мен кўнғироқ қилсам, салом-алиқни ҳам унутиб, «Ўзим кўнғироқ қиламан», деб телефонларини ўчириб қўйишади. Ўтган йили биттаси мен эришган даражадаги мансабга ўтирдим. Табриклаш учун кўнғироқ қилган эдим, «Қайси Норматовсиз? Мен ҳеч қандай Норматовни танимайман», деб телефонини ўчириб қўйди. Бироқ икки ой ўтмай, ишдан ҳайдалди. Биттаси кейинги ўн йилдан бери ҳар замон уйимга келиб-кетиб юрарди. Кейинги бир йилдан бери кўринмай қолди. Аниқласам, бир кичикроқ мансабга кўтарилган экан. Кўнғироқ қилсам, худди ишдан ҳайдаладигандек ҳолатда талмовсирайди. Бир шоғирдимга ўтган йили нашр қилинган иккита китобимни соғға қилмоқчи эдим. Келманг, ўзим бориб оламан, деб беш марта ваъда берди. Сўрасам, ҳатто газета таҳририяти қаерда эканлигини ҳам айтмади. Бўлмаса, бор-йўғи ўн нафар ходими бор раҳбар. Бир газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири йўқ экан. Унга фарғоналик бир шоғирдимни тавсия этдим. Борса, бош муҳаррир: «Тўғри, муҳбирлик ўрни бўш, бироқ сизни Норматов тавсия этгани учун олмайман, агар бошқа биров тавсия қилганида эди, олардим», дебди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“ Кўлам шукуҳи оламни бирпасда яшнатиб юборди. Қиш ичи мунғайиб турган дарахтлар яшил либосларини кийди. Дала-дашлар лолақизғалдоқлар билан безанди. Қир-адирларда ҳам баҳорнинг минг бир жилоланишини кўрасиз. Кўламнинг шундай тароватли кунларида Жиззах вилояти Бахмал туманининг чекка ҳудудида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қуриб битказилган 64 хонадондан иборат кўп қаватли замонавий хизмат уйларини ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанада мудофаа вазири, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар янги уй соҳибларини самимий муборакбод этиб, армияни том маънода армия қиладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳар-

САФАРАЛИ БОБОНИНГ ҚУВОНЧИ



Баҳром АБДУРАҲИМОВ сурапта олган

ҳарбий хизматчилар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборга Ватанга бўлган садоқати, касбига бўлган меҳри, муҳаббати билан муносиб жавоб қайтаришига ишонч билдиришди.

Ҳа, Ватан учун қилинган хизмат ҳеч қачон беиз кетмайди.

– Ҳарбий хизматчиларга уй топшириш тантаналарини ҳаргал телевизорда кўрардим. Шукрим, шундай маросимда иштирок этиш, ҳарбийларнинг шодлигига шерик бўлиш менга ҳам nasib этди, – дейди суҳбатдошимиз Сафарали бобо

ва шинам. Худди орзуимдагидек, кирган инсоннинг кўзи қувнайди. Бунинг учун Президентимизга миннатдорчилик билдираимиз.

– Бугунги кун ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, – дейди майор Абдулло Мираҳмедов. – Қувончимизни яқинларимиз билан



бий маҳоратини юксалтирадиган куч – Қуролли Кучларимиз сафларида мардонавор хизмат қиладиган инсонлар эканлигини, шунинг учун ҳам ислохотлар жараёнидаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳарбий хизматчилар манфаатига қаратилаётганини алоҳида эътироф этишди ва

Маросимда иштирок этган кесасю ёш бу ҳаётини ҳақиқатга ўзлари гувоҳ бўлдилар. Айниқса, юз-кўзларда балқиган ҳавас ва ҳайратда, тиллардан ёғилаётган шукроналикда ҳарбий соҳага, ҳарбийларга бўлган ҳурмат намоён эканлиги бизни жуда қувонтирди.

Рустамов. – Ҳукуматимиз томонидан тинчлигимизга камарбаста бўлаётган инсонларга кўрсатилаётган бундай эътибордан жуда хурсанд бўлдим. Чунки ҳарбийнинг оиласи тинч, хонадонидаги шарт-шароитлари бадастир бўлса, хизматида унум бўлади, эл-юрт осойишталиги

бўлишди. Тантанада ҳарбий хизматчилар шаънига илиқ фикрлар айтилди. Бу эса кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Мен, албатта, Ватан ишончини ёруғ юз билан оқлайман!

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА



СУЮРҒОЛ

“ Сўнги йилларда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя, ҳарбий хизматчиларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



ТОИФАЛАНГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ ҚЎШИНЛАРИ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ



Хусусан, ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, шахсий таркибни ҳар томонлама қулай, барча зарур шарт-шароитларга эга шинам, ёруғ ва хавфсиз хизмат хоналари билан таъминлаш мақсадида қўшинларда қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ана шундай эзгу ишлар рўёбини Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Наврўз умумхалқ шодиёнаси қўмондонлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисми шахсий таркиби учун қўшалоқ байрамга айланди. Ҳарбий қисмда янгидан барпо этилган 60 ўринли Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи ҳарбий қисм бошланғич ташкилоти хонаси ва бир қатор хизмат хоналари, шунингдек капитал таъмирланган спорт мажмуаси, қўмондонлик штаб пункти, махсус-тактик ва маънавий-маърифий тайёргарлик синфи, кутубхона ҳамда фуқароларни қабул қилиш хонаси фойдаланишга топширилди.

Биноларнинг очилиш маросида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича

ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев, қўшинлар қўмондони полковник Журъат Якубов ва вазирликнинг масъул офицерлари иштирок этиб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этдилар. Ҳарбий қисм жамоасига мудофаа вазирининг совғаси топширилди.

Рамзий тасмалар кесилиб, меҳмонлар биноларни кўздан кечириар эканлар, давлатимиз конфигурацияси ва рамзлари, буюк саркардаларимиз – Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймолари, уларнинг ҳаётий тажрибаси ва ҳарбийлик маҳоратидан ҳикоя қилувчи паннолар, Амир Темури шажараси акс этган бурчак, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус талабларини ўзида ифодалаган стенд, шунингдек деворларига Ватанга қасамёд матни ва ҳарбий хизматчиларнинг ор-нонус кодекси илинган шинам, ёруғ маънавият ва маърифат маркази, белгиланган меъёрий-ҳуқуқий талаблар асосида жиҳозланган ҳарбий қисм Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти хонаси, қўшинларни тезкор бошқариш учун мўлжалланган қўмондонлик штаб пункти фаолияти, ҳарбий хизматчиларнинг махсус-тактик тайёргарлик бўйича билимларини



янада ошириш мақсадида алоқа, видеокузатув ва муҳандислик-техник қўриқлаш воситаларидан иборат кўргазмалари жиҳозланган ўқув синфи, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари, даврий нашрлар, электрон ҳамда аудио китоблар билан бойитилган кутубхона, гўзал қиёфага кирган ҳарбий қисм ҳудуди алоҳида эътироф этилди.

Шу куни ҳарбий хизматчилар учун ёзги ошхона фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Албатта, яратилаётган бундай шарт-шароитлар ҳарбий хизматчиларнинг жанговар-хизмат фаолиятини янада самарали олиб боришлари ва юқори натижаларга

эришишларида, шубҳасиз, дастуриламал бўлади.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёزلарга жавобан ҳарбий хизматчилар ҳам тоифаланган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг барқарор фаолиятини олдини олиш борасида ўзларининг юқори касбий маҳоратларини намояндалар этиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиладилар.

Капитан Фаридо БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи

3-даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

“ 90 ёшни қаршилаган Валентина Николаевна Мясникова Тошкент шаҳрининг Миробод туманида истиқомат қилади. Уруш бошланган вақтда ҳали мактаб ўқувчиси бўлган қаҳрамонимиз кейинчалик фронт ортида тиббиёт ҳамшираси бўлиб хизмат қилган. Валентина Николаевна ўша дамларни шундай хотирлайди:

ФРОНТ ОРТИ ҚАҲРАМОНИ



беришди. Ҳарбий қисмда бинтларни стериллардим, яраларга малҳам қўйиб боғлардим. Кейинчалик ҳарбий қисмда телефонист бўлиб хизматни бошладим. 1944 йилда полкимиз Смоленск ва Беларусдаги жангда ғалаба қозонди...

– 13 ёшда эдим. Почтачи эшик қокди. Эшикни онам очди. Онамининг қўлига конwert тутқазди, у қорахат эди. Акам ҳалок бўлибди. Оилада тўрт киши эдик, отам, онам, акам ва мен. Отам ва акам Ленинград фронтга урушга кетишган, онам ва мен Москвада (уйимизда) эдик. Онам эртадан кечгача заводда тиним билмай ишлар эди. Шунинг учун ҳам уйда кам бўларди (ҳозир ўйласам, онам акамнинг ўлимидан кейин, ўзини иш билан овутган экан). Бу нохуш хабардан сўнг «Мен ҳам фронтда хизмат қилишим керак», дедим-да, онамга айтмай уруш ўчоғи сари йўл олдим. Москвадаги танкка қарши курашувчи артиллерия полкининг тиббий бўлимига бордим. У ерда мени «Сенинг жойинг печканинг олдида!» дея ортимга қайтармоқчи бўлдилар. Санитар бўлиб ишлашимни билишгач, қолишимга рухсат

1945 йил 9 май. Бу кунни худди кечагидек завқланиб эслайман (кўзлари қувонч ёшлари билан порлаб, сўзида давом этади). Ғалаба ҳайқирғи бутун Москвани тутди. Мушаклар ҳар ердан отилар эди. Ҳамма хурсанд...

10 май куни эса 16 ёшга тўлдим. Эҳ, у дамларни унутиб бўлмайди... Онахонининг нигоҳлари маҳзун тортади.

Валентина Мясникова 1949 йилда оила аъзолари билан Тошкентга кўчиб келади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, Миробод тумани 147-мактабда 20 йил ёш авлодга таълим берди. Илм даргоҳида Иккинчи жаҳон уруши даврига атаб, «Хотира музейи»ни ташкил этди. Онахон бугунги кунда нафақада бўлишига қарамай, Миробод тумани «Темир йўлчилар» МФИ ва таълим муассасаларида ўтказиб келинаётган турли хил тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Дарвоқе, қаҳрамонимиз урушдан сўнг II даражали уруш фахрийси, 1994 йилда «Жасорат» медали, 2020 йилда «Ўзбегим аёли» унвонларига сазовор бўлди.

Нозима МАМАТОВА

ҚАҲРАМОНЛАР ҰЛМАЙДИ

ҰЛИМГА ТИК БОҚҚАН БУРГУТЛАР

...Улардан бири Плис Нурпейсов эди. Урушда ғолиб бўлиш учун душман тарафнинг ожиз томони, махфий режалари, жанговар тайёргарлиги буйича маълумотларни билиш зарур. Бу салкам ғалаба демек. Буни эса тажрибали ва матонатли разведкачилар таъминлайди.

Бу инсон ҳақида ёзишга кўп ҳаракат қилганман. Чунки у болалигимнинг қахрамони... Отамнинг мўъжазгина кутубхонасида муқоваси йўқ, айрим варақлари титилган, «озгингина» эски китоб бор эди. Китобнинг номи ҳам эсимда йўқ (балки муқоваси йиртилгани учундир), аммо ичидаги ҳар бир сатри ёдимда. Китоб қахрамонимиз ҳақида эди. Яна отам у ҳақда тўлқинланиб, жасоратини фахрланиб гапирарди. Сингилларим билан мохир разведкачи ҳақида зўр кино кўргандек бўлардик, аммо бу ҳаётий воқеалар эканини кеч англадим.

Иккинчи жаҳон уруши ғалабасига катта ҳисса қўшган, биринчи учувчи-разведкачи, ҳатто немис артиллерия кўшини кўмондони «Қўлимга тушса, уни ўзим ўлдирарман!» деган хитоби Плис Нурпейсов маҳоратига берилган юксак баҳо эди, шубҳасиз. Бу қаҳрамон олдиди ўзимни руҳан қарздордек ҳис қиламан.

ЧКАЛОВГА ҲАВАС

Қорақалпоқ кенгликлари, Тахтақўпир даласида вояга етган Колгелди ота қишлоқнинг ёши улғур оқсоқолларидан. Уни ҳамма «Оқ милтик» дерди. Чунки у қарча танди, зуваласи пишиқ киши бўлиб, қаттиққўл ва ҳайбатли эди. Нигоҳлари ўткир, салобатидан от ҳурқарди. Қозоқ халқининг киши жузи шомакей уруғидан бўлгани учунми, овулда барча хурмат қиларди.

1919 йил қиш фасли. Қиш ўзининг «қилиғи»ни кўрсатаётган пайт, Колгелди ота ўғилли бўлди. Фарзандига ота-боболари макон этган Билис кўли шарафига исмини Плис қўйди. Плис ёшлигиданоқ учувчиликка қизиқди. У бу тақдирга ёзилган шарафли касб бўлишини билмасди.

1933 йили Чаржоу шахридаги техникумга ўқишга кирди ва ўқишни тамомлаб, муаллим бўлиб қишлоқда дарс бера бошлади. Аммо Москвадан Ванкувергача тўхтамасдан учган учувчи Чкаловнинг жасорати ҳақидаги ўйлар унга тинчлик бермасди. Чкалов унинг учун ҳақиқий қаҳрамон эди. Ёшлик ва ўзарлик ўз кучини кўрсатди, у муаллимликни ташлаб, Мелитополь ҳарбий авиация билим юртига имтиҳон топшириб, ўқишга кирди. Аммо ўқиши якунига етмай, 1939 йил Қизил Армия сафига чақиртирилди. Жанг майдони, уруш оловини кўриб, хайратга тушди. Улган аскарлар, қонга бўялган тупроқ, бир оёғи, кўли йўқ ярадорлар... Уруш шифатсиз эди, у ҳеч кимни аямасди. Плис сафдошларига нисбатан анча матонатли ва жасур эди. У 1943 йил 2-Белоруссия fronti, 47-гвардия алоҳида 4-авиация разведка полки кузатувчи-учувчиси бўлиб хизмат қилди. У қисқа мuddат ичида жасурат кўрсатиб, малакали ва ишончли разведкачилар сафига қўшилди ва гвардия катта лейтенанти бўлди.

Урушда ҳарбий ҳаракатларнинг ўз қондалари бор. Қаҳрамонимиз биринчилардан бўлиб душманнинг махсус объектларини кундузи ва



кечқурун разведка қилишни бошлайди. Кундузи разведка ишларини олиб бориш бу ўлимга тик боқидир.

Нурпейсов Берлин, Данцик, Гринья очик осмонда ўн мартаб кўриниш беради, 8 марта Кенинберг, 6 марта Штеттинда ўта оғир вазиятларда вазифасини аъло даражада уddалайди. Штабда унинг катта ҳажмдаги ишларини ҳисобга олишганида 148 та аэродром, 3 646 та темир йўл эшелони, 1 735 та зенит лотерияси, 925 та кема ва турли хил объектлар ҳақида душманнинг ўта махфий маълумотларини олишга муваффақ бўлади. У тўплаган маълумотлар асосида душманга катта зарба берилди.

ПЎЛАТ ТУМШУҚЛИ БУРГУТ

1944 йил 10 мартдан 1945 йил 1 апрелгача полкда жанговар ҳаракатлари давомида экипаж кўшинлари захираси ва душман кўшинларини олиб чиқиш ҳамда темир йўл тизимларини ишдан чиқариш, узоқ масофали ҳарбий хийлалардан фойдаланиш буйича 106 марта миссияда қатнашади. Киши ҳеч каерда қўлланилмаган ҳарбий хийла ишлатиш учун анча заковатли бўлиши керак. Нурпейсов эса душман тарафнинг мудофаа чизиклари буйича шу қадар кўп махфий маълумотлар олиб келадик, бундай вазифани бажариш совет армиясида ҳеч қайси разведкачининг қўлидан келмаган. Сафдошлари уни «пўлат тумшукли бургут», деб аташган. У ҳар қандай метеорологик шароитларда, булутлар устида тагида ҳам самолёт навигация техникасини мукамал ўзлаштирган. Ту-2 ва «Р» самолётларида топширилари мохирина адо этган.

Звена командири катта лейтенант Константин Дунаевский, ўқчи-радиот катта сержант Сергей Кононов, ҳаво ўқчиси, мохир мерган Михаил Панфилов ва қаҳрамонимиз бошчилигидаги ушбу жамоа ўта мураккаб вазиятларда ҳам муваффақиятга эришади. Аммо урушда ҳар доим ҳам омад келавермайди. Ўлим ҳар сонияда таъбиқ қилади.



1944 йил 15 май... Могиловда бўлган разведкада душман кўшинлари уларни зенит ўқлари билан кутиб олади. Жамоа ваҳимага тушмай, совуққонлик билан вазиятни қўлга олади. Душман анча тажрибали ва имконияти кўпроқ бўлса-да, аммо Нурпейсов улардан кўра чапдаст эди. У «Р» харфли самолёт нишонини ўзгартиради, ўзи эса парашют билан ерга сакрайди ва вазифани куруқликда бир ўзи амалга оширишга киришади.

Бу жамоа аъзолари учун кутилмаган ҳолат эди. Аммо командирнинг сўзи қонун. Экипаж аъзолари орқага чекинди, Нурпейсов эса кўрсатилган объектни расмга олиш, маълумот тўплаш учун олдинга қадам босарди. Изига тушган душман аскарларига тузоқ қўйишга эришади ва уларни чалғитади ҳам. Шундай қилиб немис кўшинининг энг катта махфий базаси ҳақида маълумот олади. Бу Могиловдаги ғалаба учун пойдевор эди.

Бу жамоа аъзолари учун кутилмаган ҳолат эди. Аммо командирнинг сўзи қонун. Экипаж аъзолари орқага чекинди, Нурпейсов эса кўрсатилган объектни расмга олиш, маълумот тўплаш учун олдинга қадам босарди. Изига тушган душман аскарларига тузоқ қўйишга эришади ва уларни чалғитади ҳам. Шундай қилиб немис кўшинининг энг катта махфий базаси ҳақида маълумот олади. Бу Могиловдаги ғалаба учун пойдевор эди.

ПАРВОЗ.

ЎҚ ЕРДАН «ЁГИЛДИ»...

Бобруйскда бўлган разведкада уларни ўққа туттишади. Қарши томоннинг зирхли техникалари, ўқ ёмғири сабаб белгиланган манзилга киришнинг имкони бўлмайди. Душманнинг снаряди тегиши оқибатида самолётнинг чап мотори ишдан чиқади, ўқчи жароҳат олади. Экипаж катта талафот кўради. Вазият оғир. Чап моторсиз самолёт, мергансиз жамоа. Бундай вазиятда вазифани бажариш мушкул. Аммо Нурпейсов орқага қайтмайди. Ўқ ёмғири устига кириб бориб, иккинчи марта нишонни сурутга олишга эришади, кўрсатмани тўлиқ адо этиб, аэродромга келади.

1944 йил 7 сентябрда навбатдаги разведка пайтида Ортельсбург тумани атрофида совет самолётини душманнинг 3 та қирувчи учоғи тўсади. Экипаж аъзолари мақсадига эришиб, белгиланган манзилдан маълумотлар тўплайди, аммо самолёт ердан ва ҳаводан юборилган ўқ ёмғири остида бутунлай ишдан чиқади. Самолёт ерга қулайди. Душман артиллерияси ўққа туттишда давом этарди. Плис эса ўта совуққонлик билан вазиятни баҳолаб, фотоаппарат кассеталари ва махфий маълумотлар қутисини олиб қочишга эришади.

Берлин осмонда бирдан пайдо бўлган душман самолётини кўриб, немис аскарлари ваҳимага тушади. Улар учун бу ҳудудга кириш иложсиз иш эди. Гитлер армиясининг мудофаа чизиклари, ҳарбий хийла, эртанги жанг, аскарлар ва техникалар сони, тиббий ва таъминот захираси, шу син-

гари кўпгина маълумотлар энди рус командирлари учун махфий эмасди. Нурпейсов Берлинга бўлган парвозда каттак ютуққа эришди! У душман кўшинининг барча сирли маълумотларини ошкор этди. Ярим ғалаба! Немис артиллерия кўшини кўмондонининг «Агар у қўлимга тушса, ўзим ўлдирарман. Менга тириклай керак. Унинг чириган танасини ўзи учган барча ҳудудга сочман!» деган қаҳрли овози кўп вақт рус радиоларида «айланди».

«ЗАДАНИЕ ВЫПОЛНЕНО, ИДИ ДОМОЙ!»

Берлинни босиб олишга бўлган жанговар тайёргарликларда разведкачиларнинг иши кўпайди. Сафдошларининг бири Иван Коджеровнинг айтишича ўша кунлар Нурпейсов учун кун ва тун, соат ва сония – ҳаммаси аҳамиятсиз эди.

Қаҳрамонимиз 1945 йил апрель ойигача учувчи-разведкачи бўлиб хизмат қилади. 100 га яқин жанговар вазифаларни амалга оширади, шулардан ўнтаси кундузги разведка ишлари эди.

23 апрель куни тўртинчи марта Берлинга учишга тўғри келди. Нурпейсов доимгидек штурвални ишонч билан чангаллади. Вазифа ўта оғир. Совет армиясининг энг тажрибали командирларигина бу операцияга жалб қилинган. Экипаж аъзолари бу оддий топшириқ эмаслигини яхши билшарди. Ҳаммининг юзида алланечук ҳаяжон ва қўрқув. Нурпейсов белгиланган манзилга борди. «Р» самолётида объектни расмга олиб, маълумотларни қайд этди. Штаб рациясидан унинг сўнги бор «Задание выполнено, иди домой!» – деган билдиргиси эшитилди. Тарих саҳифаларида бу ғалабанинг илк кунни сифатида қайд этилган. Ҳа, Плис Нурпейсов вазифани аъло даражада бажаргани, аммо ортга қайтиш насб қилмади.

1945 йил 18 август куни СССР Бош штаб кўмондонлигининг махсус буйруғига асосан, жанговар вазифаларни намунали бажариш, душман мудофаа объектларини аниқлаш, мислсиз мардик ва довураклиги учун гвардия катта лейтенанти Плис Нурпейсовга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» ордени берилди. 2 та «Қизил байроқ» медали билан тақдирланди. Кенусбургда бюсти ўрнатилди.

Қаҳрамонимизнинг хотирасини абадилаштириш мақсадида Нукус шахридаги университет биносига мемориал лавҳа қўйилди, Тахтақўпир туманидаги мактабга унинг номи берилди. Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан «Ғалаба боғи»да Плис Нурпейсов сиймоси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилмоқда.

У 26 ёшида бўз йигит бўлиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг мардонавар ҳаёти ибрат ўлароқ қалбларимизда мангу!

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

■ АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

ЖОМБОЙЛИК ҚАҲРАМОН КОМАНДИР

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб инсонларнинг қалбида битмас жароҳат қолдирди. Фашизмга қарши курашда салкам ярим миллионга яқин ўзбек ўғлони қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва 640 нафари жароҳатланди. Юз мингдан ортиқ ҳамюртимиз жангоҳларда бедарак йўқолди.



Самарқанд вилоятидан урушга сафарбар этилганларнинг 77 мингдан кўпи фронтдан омон қайтмади. Улар орасида Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, тажрибали командир Аҳмадjon Қурбонов ҳам бор. Гвардиячи майор Қурбонов қаҳрамонлик нишони – «Олтин юлдуз»дан ташқари «Ленин», жанговар «Қизил Байроқ», III даражали «Кутузов», «Суворов», «Қизил юлдуз», I даражали «Ватан уруши» орденлари ва кўплаб медаллар билан тақдирланган. У 1-Белоруссия fronti, 65-армия, 44-гвардиячи ўқчи дивизия, 128-гвардиячи ўқчи полки таркибида Беларуссия ва Польшанинг кўплаб шаҳарларини фашистлардан озод қилишда, Сталинград ҳимояси учун бўлган жангларда қатнашган.

ОРЗУСИ – ТАРИХЧИ БЎЛИШ ЭДИ

1921 йил 10 октябрда Жомбой туманидаги «Шерқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тепа қишлоғида туғилган қаҳрамон келажақда тарихчи бўлишни орзу қилганди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиган Аҳмадjon Қурбонов педагогика техникумида таҳсил олади. Бир мuddат туман комсомол комитетининг биринчи котиби лавозимида фаолият олиб борди. Кейинчалик у раҳбарларнинг топшириғига асосан Тожикистоннинг Кўлоб мактабларидан бирига ўқитувчиликка жўнатилди. 1938 йил Ярославль шина заводида ишга кириди ва Мария Смирнова исмли рус аёлига уйланади.

ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР...

1940 йил Ярославль шаҳри Киров тумани ҳарбий комиссариатидан армияга сафарбар этилиб, Тамбов пиёда қўшинлари билим юртига ўқишга жўнатилди. 1941 йил кузда билим юртини аъло баҳолар билан тугатган иктидорли ва ҳаракатчан Аҳмадjon Қурбонов кўмондонликнинг тавсиясига кўра «Выстрел» юқори лавозимли офицерлар тайёрлаш курсига юборилади. 1943 йил бошида катта лейтенант унвонини олган ўзбек йиғити 128-гвардиячи ўқчи полкнинг алоҳида чанги батальонидаги 2-махсус чанги ротасига командир этиб тайинланади. Февраль ойининг қаҳратон қишида алоҳида чанги батальони тезкор ҳаракатланиш эвазига душманга қақшатқич зарба бериш операцияларида иштирок этди. Ана шу жангларда у икки марта яраланди. Тажрибали командир 1944 йилни душман билан бўлган жанглардаги янги-янги қаҳрамонликлар билан кутиб олди. 1943 йил 24 – 28 декабрь кунлари Жердь қишлоғи (Гомель вилояти, Светлогорск райони) ҳимояси учун бўлган жангда фашистлар томонидан уюштирилган еттига ҳужумни ўз ротаси билан муваффақиятли бартараф қилди. Жанг давомида иккита пулемёт,



Аҳмадjon Қурбонов

икки нафар душман асирга олинди ва босқинчиларнинг 120 га яқин аскар ва офицери яқсон этилди. Ушбу жасорати учун Аҳмадjon Қурбонов дивизия командири Никита Коришко томонидан мукофотга тавсия қилинди ва III даражали «Суворов» ордени билан тақдирланди.

1944 йил ёзида капитан унвонини олиб улгурган иктидорли офицер батальон командири этиб тайинланди. Бобруйск йўналишида фашистлар ҳимоясини ёриб ўтиш жангларида Аҳмадjon Қурбонов кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликни кўмондонлик ўзбек командирининг ҳарбий санъати ҳамда иқтидори дея баҳолади. Батальон уч кун давом этган шиддатли жангларда 45 км олдинга ҳаракатланиб, Нарев дарёси бўйига чиқди. Фашистлар дарёнинг нариги қирғоғида мустаҳкам ўрнашиб олганлиги учун капитан Қурбонов ўзига хос тактик айёрлик қўллашга қарор қилди. У батальоннинг кам сонли жангчиларига душмани чалғитиб, дарёни уларнинг шундоққина қаршидан кечиб ўтишга топшириқ берди. Ўзи эса асосий кучлар билан эътибор тортмайдиган томондан босқинчилар ҳимоя қилаётган Корневек қишлоғи ҳудудига ҳужум ташкиллаштирди. Капитаннинг режаси муваффақиятли амалга ошди. Кам сонли қурбонлар эвазига душманнинг Нарев дарёси бўйидаги муҳим позицияси ишғол қилинди. Бунинг натижасида 128-гвардиячи ўқчи полкига Польшанинг Сероцк шаҳри йўналишида ҳаракатланиш имконияти яратилди. Аҳмадjon Қурбонов кўрсатган жасорат ва қаҳрамонлиги кўмондонлик томонидан муносиб тақдирланди. Унга ўша даврнинг энг олий мукофотларидан бири – жанговар «Қизил Байроқ» берилди. Шунингдек, Нарев дарёсини кечиб ўтишдаги тактик маҳорати туфайли ўзбек командири «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига тавсия этилди.

128-гвардиячи ўқчи полк ва Қурбонов батальони 1945 йил январь ойида муваффақиятли юришни давом эттирган ҳолда стратегик аҳамиятга эга бўлган 91,3-рақамли тепаликни ишғол қилди. Фашистлар қўлдан бой берилган ҳудудни қайтариб олиш учун бир неча марта танклар ва бронетранспортёрлар кўмағида ҳужумга ташланди. Аммо фашист босқинчиларининг барча уринишлари майор Аҳмадjon Қурбоновнинг жангни маҳорат билан бошқариши эвазига бартараф қилинди. Ана шу ҳужумларнинг

Аҳмадjon
Қурбоновнинг
биринчи марта чоп
этилаётган жанговар
маҳорати тарихи

бирида душман 6 та танки, 4 та бронетранспортёри, 12 та пулемёт нуқтаси, 185 нафар аскар ва офицери яқсон этилди. Бундан ташқари, гитлерчиларнинг битта танки ҳамда 13 нафар жангчиси асирга олинди. Кўмондонлик ўзбек ўғлонининг ушбу жангдаги маҳоратини муносиб баҳолаб, гвардиячи майорни III даражали «Суворов» ҳамда I даражали «Ватан уруши» орденлари билан тақдирлади.

25-БАҲОРИНИ КЎРМАДИ

Афсуски, эндигина 24 ёшни қаршилаган Аҳмадjon Қурбонов Польшани озод этиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлди. У Куявск-Поморск воеводалиги, Шиних (Шыных) қишлоғида совет жангчиларининг биродарлик қабристонига дафн этилган. Жангларда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун СССР Олий Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги қарори билан гвардиячи майор Аҳмадjon Қурбоновга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди.

УНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Аҳмадjon Қурбоновнинг тарихини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлиш мумкинки, жасур ўзбек қаҳрамони келажаги порлоқ командирлардан бўлган. Буни унинг «Выстрел» юқори лавозимли офицерлар тайёрлаш курсига юборилиши, фронтга гвардиячи полк таркибига жўнатилиши ва унга берилган орденларнинг аҳамиятидан билиб олса бўлади. «Суворов», «Кутузов» ҳамда «Қизил Байроқ» орденлари билан қандай ҳолатларда тақдирланиши мумкинлигига эътибор қаратсак. «Қизил Байроқ» ордени – собиқ Иттифоқнинг биринчи ордени. Бу орден билан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган жасурлик, қаҳрамонлик ва фидокорлик намуналарини намоён этган шахслар мукофотланган. «Суворов» ва «Кутузов» орденлари эса қўшинни бошқариш борасида улкан муваффақиятга эришган командирлар тақдирланган. Бундан ташқари, у вазиятни тактик бошқара олиш қобилияти билан бир неча муҳим жангларда ўз иқтидори ва маҳоратини намоён қилган.

Биз қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ҳақида кенгроқ маълумот тўплаш мақсадида Жомбой туманида бўлдик. У ерда бизга ўзини Аҳмадjon Қурбоновнинг жияни дея таништирган Зокир Мирзақобилов ҳамда Яхшилик бобо билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишларича, қаҳрамоннинг Мария Смирнова билан турмушидан 1940 йилда туғилган Тамара Қурбонова исмли қизи ва икки невараси бор экан. Ҳозирда Тамара Аҳмеджановна Санкт-Петербургда яшамоқда. У ота юртига меҳмонга келиб, 2-мактабда ўрнатилган қаҳрамоннинг бюсти очилиш маросимида қатнашган.

Жомбой шаҳридаги кўчалардан бири ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинига Аҳмадjon Қурбонов номи берилган. Тепа қишлоқдаги совхоз, кейинчалик колхоз унинг номи билан аталган. Шунинг учун бугунги кунда кўпчилик у яшаган қишлоқни Аҳмадjon деб аташга ўрганиб қолишган.

Аҳмадjon Қурбоновнинг отаси Қурбонбой Бурхонов «Меҳнатобод» хўжалигида ишлаган. 1979 йил вафот этган онаси Кундуз ая эса умрининг сўнгги йилларини қаҳрамон ўғлининг уй-музейида яшаб ўтказди. Уларнинг уч фарзанди – Аҳмадjon, Норгул, Бобоқул бўлган. Бобоқул Қурбонов 1956 йилда вафот этган.

P/S. Аҳмадjon Қурбоновнинг фронт йўлида босиб ўтган жанговар йўли, ҳарбий маҳорати тарихи биринчи марта чоп этилмоқда. Чунки Россия Мудофаа вазирлиги архивида сақланиб келган Иккинчи жаҳон уруши маълумотлари яқин кунларгача мутлақо махфий гриф билан ошкор этилмаган. 24 ёшида кўмондонлик қобилиятини намоён этган олган ўзбек йиғитининг тарихини ёритишда мукофотга тавсия қилинган буйруқлар, дивизиянинг жанговар йўл харитаси ва жанг тафсилотлари ҳақидаги ҳужжатлардан фойдаланилди.

СЎЗЛИК

Тил ва унинг сўз бойлиги бу миллатнинг энг қиммат жавоҳирларидир. Уларни санаб охирига етмайсан гўё. Ачинарли томони шундаки, бу бойликни шафқатсизларча сочиб, йўқотиб борапмиз. Ёзма ёдгорликларда, қишлоқларда одамлар тилида яшаб келаётган, аммо назаримиздан қолаётган турли соҳаларга тааллуқли минглаб сўзлар борки, улар ҳалигача луғатларга кирмаган.

ҚАДИМГИ ҲАРБИЙ АТАМА ВА СЎЗЛАР

Қизиқишим боис ёшлигимдан ўзим учратган ноёб сўзларни йиғиб юраман. Тўплаган бу жавоҳирларимнинг кўпчилиги луғатларда йўқ.

Мамлакатимизда тез ривожланиб бораётган ҳарбий соҳада туркий атама ва сўзларга жиддий эҳтиёж сезилади. Гоҳида муқобили туркийда бўлгани ҳолда осон йўл тутамиз-да, тилимиз хусусиятларига унчалик мос келмайдиган кўплаб сўзларни амалиётга олиб кирамиз. Аслида туркийлар қадимдан ҳарбий соҳа, жангу жадалнинг моҳири саналган ва ҳарбий атамалар тилимизда етарлича.

Тил соҳасидаги оғриқларга малҳам бўлар, деган ниёда салкам беш минглик луғат бойлигимдан ҳарбий соҳага алоқадор сўзларнинг қисқаргани бир қисмини сизга илдиндим.

Ай – аскарнинг номи ва унга керакли бўлган озуқа миқдори, унга тегишли бўлган маълумотлар ёзилган чарм дафтарча, ҳужжат, ҳарбий ҳужжат (ҳарбий гувоҳнома). Чарм тури номидан олинганлиги учун шундай аталган.

Айбаки – паст навли тери, чарм ҳужжат. Қадимда биринчидан, қоғоз кам бўлган, иккинчидан, қоғоздан қилинган ҳужжат ишқаланиб, қисқа муддатда яроқсиз ҳолга келган.

Айсукут – аскар гувоҳномаси.

Ал – ҳийла (алда, алдамоқ).

Алаш – уркалтак, тўс-тўполон, жанг маъносида ҳам келади (Ҳозирги кунда қозоқларда алаш номили сиёсий партия ҳам бор).

Амач – нишон, русчаси «цель», (Ҳозирги туркчада амач – мақсад сўзи кенг ишлатилади).

Амният – хавфсизлик. Хавфсизлик хизмати, қўшинда хавфсизликни таъминловчи қисм (аксилразведка маъносида ишлатса бўлади).

Онгнок, онгнимок, онгнимок – пойламоқ, кутмоқ, яширин кутмоқ. Қўшинда яширин бўлим, яширин вазифани бажарувчилар маъносида ишлатилган.

Аран – отхона, оғил, табла. Ҳозир машина, техника парки сифатида ишлатса бўлади.

Арғадол – тоғ этагидаги пастликлар, пистирма, яширин жой.



Ашук – темир қалпоқ, дубулға. Бу сўзни «каска» сўзининг ўрнига қўллаша бўлади.

Агинғач – нарвон, шоти. «Таржимон» китобида бор.

Байза (пайза), бойзо – ҳужжат, ёрлик, шаҳодатнома. Чингизхон даврида аскарнинг (махсус) ёрлиғи.

Байтар – ветеринар. Балонғор (баронғор) – олд қўшин, авангард. **Баронғор** – ўнг қўл ҳарбий саф.

Бағовот – тўс тўполон, р. бунт. **Бағовотчи** – тўполончи.

Баҳром – уруш худоси, Марс сайёраси. Жангчи бўлиб етилсин деган умидда бериладиган исм.

Берейтар – от ўргатувчи. Баер ҳам дейилади.

Билиска – оёқ кийимига ишлатиладиган ип, бов, русчадаги «шнурок».

Бовурчи – ошпаз.

Бойдоқ – санжок, байроқ, кичик бўлиналар байроғи. Қисм байроғига нисбатан бу сўз ишлатилмайди.

Борғи – соврин, мукофот.

Боргоҳ – қўшин тўпланадиган, вақтинча жойлашган жой, резиденция.

Борт – четан. Асли туркий сўз, рус тилидан машина борти, четани сифатида яна қайтиб келган.

Бостирма – тўрт томони очик,

усту ёпиқ иморат.

Боғийлар – ўз мамлакатига подшоҳга ноҳақ қарши чиққан бир тўда кишилар. Ҳозирги оппозицияга тўғри келади.

Буламажир – алғов-далғов. Бағовот ва алаш сўзларининг синоними.

Бўйсира – сафда бўйга қараб ўрин эгалламоқ, русчаси «строить по ранжиру».

Бўнда – ханжар, бўндахоқон – ханжархоқон.

Васкарча – енгсиз нимча (жилет, бронжилетларнинг илк намунаси чармдан тикилган).

Гавара – скелет, қуруқ суяк, бешик ёпиғи. Қадимда оссурийларга инсон ўлганидан кейин унинг гаварасигина солинган.

Газа – овчи қовлаган пана, окоп, сой, сойлик, катта дўнглик, кенглик (Сурхон шеvasи).

Газниқоб – противогаз.

Герай – ўтқир, устара. Қрим хонларидан, туркий хонлардан бирининг исми. Россияда Москва ёнидаги бир шаҳар Новогиреево шаҳрига Герай хон асос солган.

Гириш – ёйнинг ипи (таранг тортилган ҳолати).

Гумрук – бож, гумрукчи бож йиғувчи киши.

Гўлах – ҳаммом ўтхонасида оловга қаровчи киши.

Дағди – балиқ овлайдиган тўр.

Дарға – бошлиқ, раис. Доруға, бошловчи, ҳатто рус тилидаги «дорога» сўзи ҳам мана шу сўздан йўл бошловчи. Бу сўзнинг асл маъноси «то рагача» сўзига бориб тақалади. Бу жойда Ра – зардуштийликдаги куёш худоси.

Доруға – шаҳар миршаббоши.

Доя – эмбека, оувуртма, ҳамшира, акушер, гинеколог.

Дўв, дав – навбат (бир дав – бир навбат).

Ёрғи (ёрғу) – судья, суд, ажрим қилувчи. Болтанинг бир турини ҳам шундай айтишади.

Ёсо (ясо) – бу сўз Чингизхон давридаги ясоқ, ёсоқ тартибга нисбат берилади, аслида у лотин тилидан олинган ва одил судни билдиради ва биздаги ҳозир ишлатиладиган юсин, юстиция сўзи шундан. Изоҳ «Садри Мақсуди Эрсол китоби»дан.

Ёсомиши – тартиб, аскарни тартибга келтириш.

Ётуқ – аскарларнинг сув идиши, ҳозирги фляшка.

Жазбар (жазвал) – тўғри чизик чизадиган асбоб, русчаси «линейка».

Житирма (йитирма) – ертўла, лаҳма, блиндаж, окоп.

Заррабин – микроскоп.

Йитирқин – тарқаб кетиш, тум тарақай, сафни тарқатиш.

Им – сир, белги, имо, ишора (парол), имло ва бошқа ҳамма им қўшилган сўзларда асл белги маъноси ётади.

Иманг – устакор, моҳир, айёр. **Иртибот** – ўлчам, белги, мўлжал, русчаси «координация», иртиботчи «координатор».

Ичкин – жосус, йэзак, айғоқчи, агент ва бошқа яна 16 тага яқин шу маънони берувчи сўзлар бор.

Иқдом – яширин тайёрланиб, яширин ўтказиладиган тадбир,

ҳарбий атама.

Иқта – ҳарбийларга хизмат юзасидан берилган ер, майдон.

Йоришма – мусобақа.

Кадон – шийпон, уйсиз айвон.

Кеш – ўқдон.

Кўзмачи – мерган, мерган сўзининг синоними бўлган бу сўзни умуман унутганмиз, «кўзлаб отиш», «кўзлаб от» иборалари бор.

Лаҳм (лаҳм) – қовланган чукүрлик.

Липопа – хат солинган халтача, конверт.

Маймана – қўшиннинг чап, «майсара» унинг ўнг томони.

Маллоҳ – денгизчи, қайиқчи, матрос.

Модан – оғбор ўрнида ишлатиладиган катта хона.

Нил – ствол, қуролнинг ўқни йўналтирадиган қисми.

Пас, посбон – қисқа муддат, озгина вақт. «Бир пас чу тундин ўтди ул хайл, Тушлуқ туши қилди уйқуға майл». Алишер Навоий.

Луғатларда пас, пас – туннинг саккиздан бири, деб шарҳланган. Демак, тахминан бир соатга тенг муддат. Пас, посбон – бир соатлик тунги соқчи, р. часовой маъносидаги атама бўлиб чиқади. Ҳарбий атамалардаги пост ва шунга боғлиқ сўзларнинг ҳаммаси асл туркий пост, пас сўзларидан.

Пешталқон – биринчи овоз, сафда куйбоши, русчаси «запевало».

Сайс – эҳтиёт, отбоқар.

Саркой – капитан.

Саррож – от, уловга чармдан ашё тайёрловчи.

Сатма – кузатиш учун баланд қилиб мосланган жой, кузатув пункти.

Сераскир – Қрим хонлиги томонидан қўйилладиган ҳарбий тахт вориси, Буджақ сераскири. Буджақ ҳозирги Молдавия, Украина, Россия, Болгария ҳудудларининг маълум бир қисмини ўз ичига олган давлат. Қрим хони томонидан Буджақ ўрдасига тайинланган султон, сераскир (ҳарбий генерал). Мингга тенг оғирлик ўлчови.

Истеъфодаги полковник Маҳмуд Йўлдошев, Қуролли Кучлар Академияси Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ХАМКОРЛИҚДАГИ ЯНГИ ЛОЙИХА

Онадан илк бор кечирим сўраган аскар

Шундай машғуллар борки, улар асрлар давомида кўнгилларга завқ бағишлаб, инсониятнинг маънавий камолоти, эстетик тафаккури ривожиди муҳим ўрин тутиб келган. Китоб ўқиш, амалий санъат билан шуғулланиш ҳам шулар жумласидан. Мактуб ёзиш ҳам минг йиллардан бери ажодларимиздан қолган маънавий қадриятлардан бири. Ҳали-ҳануз тарихда яшаб ўтган шоир ва ёзувчилар, олимларнинг битган мактубларини ўқиб, ўзимиз учун кўп нарсаларни кашф қиламиз. Чунки уларда ўша шахснинг ички кечинмалари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари акс этади. Бугун ахборот технологиялари юқори суръатда ривожланган асримизда инсоният бир-бири билан маълумот алмашишнинг жуда кўплаб воситаларини яратган. Аммо барибир хат ёзишнинг завқини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Жорий йилнинг 10 январь куни давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида Қуролли Кучларимиз энг замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий техникалар билан таъминланган бўлса-ю, лекин ҳарбий хизматчилар маънавий, ахлоқий-руҳий жиҳатдан яхши шаклланмаса, бу тизим бўлмас хатоларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб кўплаб мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди ва айна йўналишда самарали ишлар олиб борилмоқда.

«Мен онамга хат ёзганимда биринчи марта ундан кечирим сўрадим. Жуда эрка бола бўлганман. Ҳарбий хизматга келиб, ота-онанинг қадрига етишни ўргандим». Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитнинг ушбу сўзларини эшитиб, кўпчилик қалбида титроқ тўйган бўлса, ажаб эмас. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Аскарга мактуб» номи янги лойиҳасида яна кўплаб юртимиз ўғлонларининг ана шундай дил изҳорларини тингладик.

– Ёшлигимда қариндошларим, қўшнилар мени тез-тез уйига чақирарди. Эсимда бор, онахонлар, бувижонларнинг ҳарбий хизматда юрган ўғилларига хатлар ёзиб ёки ўқиб берар эдим. Ўша мактубларни бир оила, бир уй одам ҳаяжон билан тингларди. Йигитларнинг хатларида уларнинг оиласига, ўз элу юртига бўлган муҳаббати, ҳарбий ҳаёт таассуротлари акс этарди, – дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги бош илмий ходими Ноиба Мамадалиева. – Ўйлайманки, ушбу лойиҳамиз нафақат Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаётган азамат ўғлонларимиз, балки уларнинг яқинлари, таълим муассасаларидаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, келажакда уларнинг комил инсон бўлиб етишишларида яна бир туртки бўлади.

Тадбирда аскарлар қалбида кечаётган туйғуларини, орзу-истакларини яқинларига мактублар орқали йўллашди. Албатта, турли ўй-хаёлларга берилиб хат ёзаётган ёшлар эзгу ҳислар, фикрлар оғушида қолгани тайин. Кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу, аслида. Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони йигитларнинг мактубларини ташкилотчилар ўзлари уларнинг уйларида олиб боришди.

– Телефон кўнғироқлари, интернет орқали инсон кўнғилидаги борини тўкиб солиши қийин. Онанг, отанг ёки бошқа яқининг билан тўғридан-тўғри овозини эшитиб мулоқот қилганимизда, бу мушкул кечади. Хат ёзиш эса бутунлай бошқа нарса. Бунда одамнинг юрагидан чиққан сўзлар ва олдинда фақат қоғоз-қалам бўлади, холос, – дейди оддий аскар Абдор Очиллов.

Амалга оширилган лойиҳа давомида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг мутахассислари аскарлар билан самимий сўхбат қуришди. Қалби юрт ишқи билан тўлган ўғлонлар ташриф буюрганларга ўз миннатдорлигини гўзал шеърлар, куй-қўшиқлар орқали изҳор қилишди.

Келгусида ҳамкорликдаги мазкур лойиҳани кенг жамоатчилик, ёшлар иштирокида ўтказиш режалаштирилган.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар
Бобур ЭСОНОВ**

**Mard va jasur
qoraqalpoq azamatlariga**

SAHRA BULBILI



Abdulla Oripov, Erkin Vohidov o'zbek, Rasul G'amatov darg'in, Shi'ng'iz Aytmatov qir'g'iz, Abay Qunanbaev degende qazaq xalqi, ma'deniyati' ha'm olardi'n ten'siz a'debiyati' ko'z aldi'mi'zg'a kelse Ibrayi'm Yusupov, To'lepbergen Qayi'pbergenov degende qaraqalpaq a'debiyati'ni'n' bayterekleri gewdelenedi.

Qosi'q adam kewline jaqsi'li'q bulag'inan suwsi'n' beredi. Qosi'qti su'ygen kewilden jamanli'q shi'paydi'. Sonli'qtan qosi'q, buri'ng'lar aytqanday, bendenin' jawi'rni' besikten tarti'p, tabi'tqa tiygenge deyin insang'a o'mirlik ruwx'i'y joldas boli'p jasadidi'. Xalqi'mi'z a'zelden o'z ana tilinin' g'ayri'-nag'i's ko'rkemligi menen qosi'q shi'g'ari'w'di su'ygen ha'm elede solay. Ibrayi'm Yusupov bolsa a'ne sol qosi'qti' suyiwshi xali'qti'n erke bulbili edi.

Awa, shayi'r o'mirin xalqi'mi'z'din' bar minezin qosi'qqa salip jirlawg'a bag'ishladi'.

*Qus balasi' boli'p iinbes sang'a,
Bulbilden' xosh hawazi' sesi bolmasa.
Sazdi' shertken menen kelmes namag'a,
Kewildin' bir a'ndiyshesi bolmasa.
Kimdur tirisinde ati'n joqlamas,
Insan boli'p, ishken duzi'n aqlamas.
Berjag'inda quyg'a menen toqtamas,
Arjag'inda bir na'rseni bolmasa...*

Oni'n' poyeziyasi' ajayi'p! Ko'r'kem tili, ma'ni jag'inan usi'nday qupi'ya si'rli' bolsa, ol adamda teren' oylar oyatadi', kewildi o'ygilikli sezimler menen terbedi ha'm jalpi' adamzatti'n' ortaq ruwx'i'y mu'l'kine aylani'p, uzaq jasadidi'. Shayi'r'din' teren' lirizm menen suw'ari'lg'an qatarlari'na muhabbati'n' ta'siri barlig'i ras. Bul muhabbat ba'lki sa'wir yardi'n' nazlari', ba'lki shayi'ri'n, sahra bulbilin su'yiwshi xalqin mehiri.

Qara so'z benen biraz jerden aylandi'ri'p su'wretlep tusindiretug'in ga'ptin' ma'nisin shayi'rli'q tilde bir qatar qosi'q penen bere ali'wi' mumkin. Ma'selen shayi'r'din':

*Tariyxlarg'a guwali' so'z,
Ha'r bir da'rtke dawali' so'z,
Kiyeli so'z, duwali' so'z,
Tuwi'sqanli'q, tuwi'sqanli'q.*

Shayi'r'din' arzi'w-armanlari' jaqsi' niyetli qi'yallarg'a sho'likkegeni ajayi'p. Olsi'z poyeziya ha'm izleniw joq, olsi'z jaqsi' shayi'r tuwilmaqydi'.

*– Ay! Sonsha sa'wleni qaydan aldi'n' sen?
– Kunnin' bizge tusip shag'li'si'wi'nan.
– Quyash! Sonsha nardi' qaydan aldi'n' sen?
– Adamni'n' adamg'a miydan nurinan.*

A'piwayi' ham pa'kize su'wretleme... Mine, qanday sul'i'w arman sho'li' Da'wir menen ten' qa'dem basqan shayi'r'din' shireli' qosi'qlari'ni'n' talg'ampaz ishqipazlari' diydin shi'qqani', shayi'r o'mi'ri'n' ekinshi bo'legin jasad atirg'ani'nan xabar beredi.

Ibrayi'm Yusupov shi'n' muhabbati' ko'r'gen baxi'tli' insan. Jasli'qti'n' o'tli' sezimin bastan keshirip, ishq sharabi'n' ishkenligi oni'n' lirikasi'nda ani'q ko'zge taslanadi':

*TashGU desem darhal tu'sedi eske,
Menin' jigit waqti'm senin' qiz' waqti'n'.
Tuwra samalyottan tu'stimde keshte,
Jataq jayi'n'izdi'n' esigin qaqtim'.
Gu'ishanda ashi'lg'an bir taza gu'idey,
Shi'rayi'n'a shi'ray qosqan ekensen'.
Quwani'shi'mdi' qa'ytip aytardi' bilmey,
Juti'ni'p, termilip qaray berdim men.
TashGU – bilim bag'i', jaslar dosli'g'i',
Qansha kewillerge nur berer jaqti'n'.
TashGU – mi'n'-mi'n' qiz-jigitler jasli'g'i',
Menin' jigit waqti'm, senin' qiz waqti'n'...*

Zaman talabi'n' teren' tu'singen, ishq ha'm muhabbati'n' qadiri bilgen, poyeziyag'a ashi'q kewiller ushi'n' shi'n' ma'nide sahra bulbilinin' Aral boyi'nda parwaz etiw qaraqalpaq xalqi' ushi'n' u'lken sawg'a. Awa, bul mazzunli' ha'm sharapli' o'mir joli'! Bul haqiqiy lirikali'q o'mir!

Ayjamal MAXCETBAY qizi

ИСКАНДАР МАҚИДУНЛИ

*Жаҳонгашта саркарданинг феъли, фазилатлари,
дунёга қарashi, ақлу заковати ҳақида ҳикоялар*

Зарарли одатлар – уйқу ва хотин

Жанглarning бирида асирга олинган форслар шохининг онаси, хотини ва икки қизи Доронинг жанг араваси ва камонини кўриб, уни ўлган ҳисоблаб, фарёд чека бошлайдилар. Бу хабар Искандарни чексиз ҳаяжонга солади ва уларнинг олдида Леоннатни жўнатади. Леоннат Искандар номидан Доро тириклиги, уларга ҳеч қандай зиён етказилмаслиги ва ҳамма нарса муҳайё этилишини айтади.

Бу сўзлардан ҳайратда қолган асир аёлларга ҳалок бўлган эронийларни кўмишга ва бунинг учун ўлжа олинган зеб-зийнатлардан фойдаланишга рухсат берилади. Аслзода банди аёлларнинг ҳурматини жойига қўйиб, уларга хизматчилар тайинланади. Доронинг хотини маликаларнинг энг гўзали эди. Бироқ улар номусларига тегиш мумкин бўлган бирор хатти-ҳаракат ёки хавфни сезмайдилар, ҳақоратомуз сўз эшитмайдилар. Сарф-ҳаражатлари аввалгидан-да оширилади, покиза ҳарамда яшагандек яшайдилар.

Искандар буюк инсонларни ҳам хор қилувчи энг зарарли одатлар – уйқу ва хотин билан алоқа қилишдир, чунки ҳорғинлик ва маишатпарастлик инсоннинг ожизлиги оқибатида пайдо бўлади, деб кўп такрорларди.

Искандардан бўлак ҳеч ким

Орадан муддат ўтиб, Доро бир мактуб билан Искандарга элчи жўнатади. Хатда банди хонимлар учун ўн минг талант пул, Фротнинг бу тарафидаги ҳамма юртлар, қизларидан бири ҳамда ўзининг дўстлиги тақдир қилинган эди. Искандар яқинларига бу тақдирларни етказди. Уларнинг бири Парменион:

– Агар Искандар бўлганимда бу шартларни қабул қилар эдим, – дейди. Искандар эса унга:

– Зевс номи билан қасам ичаманки, Парменион бўлганимда мен ҳам шундай қилган бўлардим, – деб жавоб беради.

Искандар Дорога агар у македонлар қошига келса, олий даражада кутиб олинишини, акс ҳолда ўзи форслар шоҳи олдида боришини билдириб, хат ёзади.

Кўп ўтмай Искандар бу жавобидан пушаймон бўлади. Чунки Доронинг хотини тўлғоқ вақтида вафот этади. Искандар одамгарчилик қилишнинг катта бир имкониятини йўқотганидан қаттиқ куянади. Маликанинг дафн маросимини ҳеч нарсани аямай шохона ўтказди.

Искандарнинг фазилатлари, форс аёлларига муомаласидаги камтарлиги ва уларга кўрсатган улкан эҳтиром, олижаноблиги барча-барчасини ишончли вакилидан эшитган Доро мулозимларининг олдида қўлларини чўзганча худоларга шундай илтижо қилади:

– Искандар кўрсатган мурувватга мос мурувватлар қайтаришим учун форсларнинг буюклигини тиклашга, ғалаба қозонишга имкон беринг! Борди-ю, пешонамга бахти қаролик ёзилиб, буюк ўзгаришлар оқибатида форс салтанати қулайдиган бўлса, Кайхисрав тахтига Искандардан бўлак ҳеч ким ўтирмасин!

Фурқат ЭРГАШЕВ тайёрлади.

Буюк саркардаларининг энг буюги Искандар Мақидунли (Александр Македонский)нинг таваллуди тарихларда милoddан аввалги 356, вафоти 323 йиллар деб кўрсатилади. Унга шоҳ ўғли эканлиги эмас, балки туғма истеъдод ва устоз Арастуниг дарслари улкан ғалабалар келтирди. Искандар қисқа умр кўрди. Аммо у ҳақда ёзилган асарларнинг, айтилган афсона-ю ривоятларнинг саногига етиш мушкул.

Машҳур тарихчи ва файласуф Плутарх «Искандар Мақидунли» асари аввалида «инсоннинг яхши-ёмонлиги ҳамisha ҳам унинг улугвор ишларида кўринавермайди. Қандайдир кичкина бир қилиғи ёки қаердадир оғзидан чиқиб кетган мўтойибаси, қилган ҳазили – улкан жангда минглаб инсонларни ҳалок қилиш эвазига қозонилган ғалабаси ёки лак-лак қўшинни бошқарганидан кўпроқ унинг феъл-атворини очиб бериши мумкин. Оламшумул жангномаларни бошқалар ёзаверсин», дейди. Файласуф Плутарх бу асарида Искандарнинг феъли, фазилатлари, ички дунёси, ақлу заковати ҳақида ҳикоя қилади. Қўйидагилар ана шу асар асосида тайёрланди.

Бўш нарса муҳрланмайди

Македон ҳукмдори Филипп Олимпиадани севиб қолганидан кейин акасидан розилик олиб, унга уйланади. Гўшангага кириш тунида Олимпиада кўзига рўё кўринади. Гўёки унинг қорнига чакмоқ келиб урилади, ундан олов чиқиб, ҳар томонга ёйилади. Филипп тўйдан бироз вақт ўтгач, тушида хотинининг қорнини муҳрлаётганини, муҳрда шер тасвири борлигини кўради. Фолбинлар Филипп ўз хотинининг ҳуқуқини бошқаларникидан устун кўяди, деб тушни таъбир қиладилар. Бироқ тел-месслик Аристандр ҳеч қандай бўш нарса муҳрланмаслигини, Олимпиада ҳомиладор ва у шердек довюрак ўғил туғишини айтади.

Искандар юзта буқа қурбонлик қилинадиган, июль-август ойларига тўғри келадиган гекатомбеон ойининг олтинчи кунида туғилган. Унинг отаси шу кунни бирданга учта хушхабар эшитади. Биринчиси – иллирияликларнинг енгиллиши, иккинчиси – аргумоғи отчопарда ютганлиги ва учинчиси – Искандарнинг туғилиши эди.

«Хўв, болалар..»

Ўта оқ бадан, айрим аъзолари, айниқса юзи ва кўкси қизилга мойил оқ тусда бўлган Искандар шон-шухратни севса-да, уни дуч келган ердан изламасди. Отасининг ғалабалари ва шухратига қиё боқмас, тан роҳатига доир ишларга бефарқ эди. Югуришда тезкор Искандарга олимпиада ўйинларида иштирок этишни истайсизми, деб сўрашганда, у шундай жавоб берган экан:

– Хоҳлардим, агар мусобақадорларим шоҳлар бўлса!

Айтишларича, отасининг бирон-бир катта шаҳарни эгаллагани тўғрисида хабар келса, у тундлашиб, тенгқурларига шундай деркан:

– Хўв, болалар, отам ҳамма жойни босиб олиб, менга ва сизларга ҳеч қандай буюк ва ёрқин ишлар қолдирмаяпти.

Унинг мақсади бойлик ва ҳузур-ҳаловат эмас, балки жасорат ва шухрат қозониш, урушлар ва курашларга ташна давлатга ворис бўлиш эди. Шунинг учун ҳам отасидан қанчалик катта давлат қолса, ўзининг фаолият доираси шунчалик камайишини ўйлаб қайғурган.

Асов от

Филипп харид қилмоқчи бўлган бир отни синанаш учун майдонга чиқарадилар. Мулозимлардан ҳеч бири асов отни жиловлай олмади. От кўкка сапчир, бир амаллаб минганни ерпарчин қиларди. Аччиқланган Филипп буни йўқотинглар, дейди. Шунда Искандар:

– Эҳ, бу одамлар шундай отдан маҳрум бўляптилар-а, кўрқоқ ва ландавурлар, – дейди. Отаси индамайди, аммо ўғли бу гапни бир неча бор такрорлаганидан кейин унга танбеҳ беради:

– Сен булардан ақлироқ ё эпилроқмисан, нега катталарни камситасан?

Шундан кейин ота-бола гаров боғлашади. Атрофдагилар воқеа нима билан туғашини ҳайрат билан кузатардилар. Искандар югуриб отнинг жиловидан ушлайди ва уни қўш томонга буради. От ўзининг соясидан ҳуркаётган эди. Отни силаганча унинг ёнига югуриб борган Искандар бир сакраб



унга миниб олади. Живовни бўш қўйиб, отнинг интилишини оёқ нуқш ва қийқириқ билан рағбатлантиради. Кўп ўтмай у отаси ва мулозимлар олдида хотиржам қайтиб келади. Бу от Искандарга кўп йиллар ҳамроҳлик қилган машҳур Букефал эди. Филипп отдан тушган ўғлини ўпиб, шундай дейди:

– Ўғлим, ўзингга муносиб шоҳлик изла, Македония сенга торлик қилади.

Ноёб қутича

Филипп ўғлини буйруқ эмас, маслаҳат бериш билан тарбиялашни маъқул кўриб, унинг тарбиясига машҳур файласуф Арастуни жалб қилади. У шаҳзода шогирдига ахлоқ ва давлат ҳақидаги таълимотлар билан бирга, сирли ва омма учун ошкор қилинмайдиган билимларни ҳам ўргатган. «Филипп мени дунёга келтирди, Арасту тўғри яшашни ўргатди», дерди Искандар.

Илм эгаллашга, китоб ўқишга табиатан мойил Искандар «Илиада»ни ҳарбий ўқув ва мардоналикни ўрганишда энг маъқул қўлланма, деб билган. Бу китобни ноёб қутичага солиб, ҳамisha ёнида олиб юрган ва тунда қилич билан бирга ёстигининг остига қўйиб ухлаган.

Искандар, қуёшни тўсма!

Бир қурултойда Эронга қарши юриш аҳд қилинади. Шу муносабат билан кўпчилик сиёсий арбоблар ва файласуфлар шоҳни зиёрат қиладилар, уни алқайдилар. Синоплик файласуф Диоген бўлса, унинг ҳузурига бормайди. Файласуфнинг келишини кўп кутган Искандар охири ўзи унинг қошига боради. Кўпчилик билан бирга келган Искандарга Диоген бошини бироз кўтариб қарайди. Шоҳ салом бериб:

– Бирор илтимосинг йўқми? – деб сўрайди. Диоген эса:

– Сал четроқ ўт, қуёшни тўсаясан, – деган экан ўшанда. Бу гап шоҳга қаттиқ таъсир қилади. Қайтишда файласуфини мазах қилиб, кулиб келаётган йўлдошларига Искандар шундай дейди:

– Афсуски, Искандарман, агар Искандар бўлмаганимда Диоген бўлишни хоҳлардим.

УРУШ ДАВРИ МАТБУОТИ

ҚИЛИЧ ВА ХАНЖАР ҚИССАСИ

«Боболарим тарихни қилич ва ханжар билан ёзишган. Бу гапни Расул Ҳамзатовнинг китобидан қарзга олдим ва бироз ўзгарттирдим. Талабаларга илиндим. Яна кимларгадир айтдим. Қилич ва ханжар ёзган тарихни таржима қилиш керак эмас. Сохталаштириб ҳам бўлмайди. Ҳеч ким ўчира олмайди. Адолат номли куч бунга йўл қўймайди.

Бугун тарих ёзишда майдалашиб кетдик. Ижтимоий тармоқлардаги қадрли, қиймати арзон сўзлардан из қолмайди. Бирпасда ўчи кетади. Битта кўзга кўринмас вирус – тожли вирус атрофида минглаб, миллионлаб тарих битамиз. Ваҳимани авж олдирамиз. Қўрқамиз, кўрқитамиз. Яратган зотдан-чи? Қўрққанимизда нафс бошқараётган амаллардан тийилган бўлармикиди?

«Тожу тахтли вирус» огоҳлантириш кўнғироғи эмасмикан? Қўрқув борлиги аслида ёмон эмас. Демак, ҳали имкон бор.

Қилич ва ханжар саси қулоғим остида жаранглагандек бўлди. Қулоқ тутдим. Бу яқин тарихдан – Иккинчи жаҳон урушидан сўзлаётганди. Аммо боболар ёзган тарих эмасди. Кўҳна тарих билган қилич ва ханжарнинг дастхати эмасди. Таниш сас эмас экан. Чалғибман. Мафкура деб аталгич жонсиз, сохта бир нарсанинг мазлумлар қони томиб турган қиличи, ханжари экан.

Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ тарих бугун айримлар учун сиёсий қуролга айланмоқда. Кимдир ўндан буюқ давлатчилик шовинизми йўлида фойдаланса, кимдир дунёни бўлиб олишдаги катта ўйинига тартади. Кимдир дунёни фашизм офатидан қутқарувчи бўлиб кўкрагига урса, кимдир ғалабадан зарар кўргани, бошқа бир мафкура, ғояга қарам бўлиб қолганидан нолийди. Тарози палласи гоҳ уёққа, гоҳ бу ёққа оғаверади.

Уруш даврида мамлакатимизда чоп этилган асосий сиёсий нашрларни кузатдим. Шўро мафкуриси нуқси урган газеталар менга шивирлаб тарихни сўзлади. Сизга ҳам илинишни истадим. Мен у ёки бу паллада туришни истамайман.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йилда чоп этилган сонлари. Уларни варақлаб, ҳарбий мавзуга ихтисослашув, бевосита ёки билвосита уруш билан боғлиқ жараённинг, фронт ортида халқимизнинг заҳматли меҳнати газета ижодкорлари, зиёлилар томонидан ёритилиши масаласига эътиборни қаратдим. Хусусан, нашрнинг 1942 йил 12 август, чоршанба кунда чоп этилган 190-сон (5482) 1-бетидаги «Ҳурмат тахтаси» руқнида жумладан шундай ёзилган: «Давлатга ва Қизил армия фондига ғалла топириши, МТС натур ҳақини тўлаш, планларини муддатидан олдин бажарганликлари ҳамда йиғим-терим ишларини муваффақиятли ўтказганликлари учун куйидаги колхозлар республика ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

Қорасув районидagi Молотов номили колхоз (райси Мадияров, партия ташкилотчиси Туйғашев);

Пискент райони Бўка қишлоқ советидаги Куйбишев номили колхоз (райси Жўракул Ҳамроқулов, партия ташкилотчиси И. Маматов)».

Мазкур руқнда мунтазам бериб берилган ахборот бир томондан фронт ортида ўзбек халқининг фашизмга қарши курашини, сафарбарлигини кўрсатса, иккинчи томондан жамоатчиликни ғалабага руҳлантирган. Бу тахтага ҳукмрон мафкура ўз тарихини шундай битган. Ўзбекистон меҳнаткашлари 1943 йилнинг ўзидаёқ 415,6 минг тонна ғалла етиштирган. 1940 йилдагига кўра 1,5 марта кўп эди, бу рақам. Ёки уруш давомида Ўзбекистон халқи 4,8

миллион тонна стратегик муҳим хом ашё бўлган пахтани минг машаққат эвазига етказиб берган. Эвазига 60 минг ўзбекистонлик меҳнаткашнинг кўксига орден, медаль таққан шўро салтанати.

Яна «Қизил Ўзбекистон» газетасининг саргайган саҳифаларига юзланамиз. Уруш билан боғлиқ бош мақолаларни Москвадаги зиёлилар ёзган. Мамлакатимиз нашрлари, хусусан Ўзбекистоннинг бош нашри уларни Москвада чоп этиладиган асосий расмий нашрлардан кўчириб, таржима қилиб босишган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 8 февраль 33-сон (5325) 1-бетида М.И. Калининнинг «Ғалаба сари бормоқдасиз» мақоласи «Красная Звезда» газетасидан ўзбекчага ўйрилган ҳолда кўчириб босилади. Ёки газетанинг 1942 йил 8 октябрда чоп этилган навбатдаги сонда эса «Правда» газетасидаги «Кишиларга зўр эътибор билан қараш – совет ходимининг бурчи» номили бош мақола таржима қилиб берилади. Уруш ҳақидаги бош мақолаларни Москвадан белгилаб беришган. Сиёсий масалада зиёлиларимизга кўпам ишонишмаган.

Хўш, ўзбек зиёлиларига нима топириқ бўлган? Уларнинг материаллари фронтда, фронт ортида фашизмга қарши аёвсиз кураш олиб бораётган миллат руҳини кўтаришга хизмат қилган. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг тилга олинаётган даврида ўзбек зиёлилари имзоси билан чоп этилган куйидаги айрим материалларга кўзим тушди:

«Сен етим эмассан» шеъри, Ғафур Ғулум, 1942 йил 1 февраль, 27-сон; «Улуғ Ватан уруши жангчиларига ўзбек халқидан хат» мақоласи, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Чустий, 1942 йил 15 февраль, 39-сон;

«Дарддан чиққан қаҳрамон» очерки, Абдулла Қаҳҳор, 1942 йил 75, 93, 99, 115-сонлар;

«Душманга нафрат ва қаҳр-ғазабимиз яна қаттиқроқ бўлсин» мақоласи, Ҳалима Носирова, 1942 йил 13 август, 191-сон.

«Қардошлик мадҳияси» шеъри, Мақсуд Шайхзода, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, 1942 йил 27 сентябрь, 230-сон.

Зиёлиларнинг чиқишларида халқимизни ғалабага руҳлантириш, фронт ортида мардонавор меҳнат қилиш, садоқат, матонат, жасорат туйғулари асосан публицистик, бадиий публицистик услубда тараннум этилган. Миллатнинг пахта, ғалла ва яна бошқа хом ашёни тайёрлаган қўлларига қаламни унча ишонишмаган. Яна қилич, ханжарга айланишидан кўрқишганми? Билмадим.

Матбуот қилич ва ханжардан устун қўйила бошланди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йилги сонларида душманга нафрат уйғотиш учун ҳарбий мавзуда берилган сиёсий карикатуралар буни тасдиқлайди. Газетанинг 1942 йил 25 январь, 21-сонда «Фашистлар армиясида

физкультура машғулотлари» номили карикатура чоп этилган. Шунингдек:

«Москва области Гитлерчи йиртқиқлардан тозаланди», Еф. Резников, 1942 йил 30 январь, 25-сон; «Хушмуомала», Еф. Резников 1942 йил 10 май, 109-сон;

«Дўстлар топишганда», Еф. Резников, 1942 йил 18 октябрь.

Айнан тилга олинаётган 1942 йилда Ўзбекистоннинг асосий ижтимоий-сиёсий нашри – «Правда Востока» газетасида ҳам фашистларни мазох қиладиган карикатуралар мунтазам чоп этилгани мазкур жанрдаги материаллар партия ва ҳукуматнинг топириғига асосан берилган, деган хулосага олиб келади. Газетанинг 1942 йил 26 апрель сонда Еф. Резников муаллифлигида «С большой головы» номили карикатурага Алексей Резапкин шеъри берилган. «Правда Востока»нинг 1942 йил 1 май сонда яна ўша муаллифлар жуфтлиги Еф. Резников ва Алексей Резапкиннинг имзоси билан «Гроза в начале мая» деб номланган карикатура чоп этилган бўлса, 1942 йил 10 майдаги сонда расмоз Жуковнинг «Молодец против овец» номили карикатурасига Резапкиннинг шеъри берилган. 1942 йил 28 июнь сонда чоп этилган «В игорном притоне» номили карикатура муаллифи – Еф. Резников, шеър муаллифлари – Д. Долев ва М. Пустынин.

Ҳукмрон мафкуранинг ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланган бундай карикатураларда фашист ҳарбийларининг қиёфаси орқали жамоатчиликда нафрат, ғазаб уйғотиш мақсад қилиб олинган. Бу билан шўро ҳукумати журналистиканинг ушбу жанридан усталик билан фойдаланган.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газетасига фронтдан ўзбек ҳарбий хизматчиларининг юборган материаллари билан танишиб, муаллифлари 2 гуруҳга ажратдик.

1. Профессинал ҳарбий журналист.

2. Ҳаваскор ҳарбий журналист. Профессинал ҳарбий журналистлар фронтга йўл олган ёзувчи, шоир, журналистлар бўлиб, улар орасидан фронт газеталари учун мутахассислар саралаб олинган. Улар нафақат фронт газеталари чоп этилишида, балки ўз республикаларида чоп этиладиган нашрларга ҳам фронтдан материаллар юбориб туришган.

Мана шундай профессинал ҳарбий журналистлардан бири капитан Адҳам Раҳмат (Раҳматов). «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йил 8 июлдаги сонда муаллифнинг «Нуриддин Эсонхоновнинг баҳодирлиги» номили мақоласи чоп этилган. Унда довурак ўзбек йигити ҳақида сўз юритилади. Мақоладан парча ўқиймиз:

«Ўз пулемёт нуқтасидан ажралган немислар қутурганларича бизнинг пулемёт нуқтамизга қараб миномётдан ота бошладилар. Эсонхонов-

нинг пулемёти ишдан чиқиб қолди, ўқловчи эса ярадор бўлди. Нуриддин Эсонхонов ёлғиз қолди, аҳвол жиддийлашди. Олти немис қутурганича Эсонхоновга қараб ташланди. У бутун кучини тўплади ва ғазаб ичида немисларга қўл гранатаси улоқтирди».

Мақолада келтирилишича, мазкур жангда икки фашист ўлдирилади, қолганлари траншеядан чиқиб, орқага қоча бошлашади. Жангда кўрсатган ботирлиги учун қўмондонлик ўзбек йигитини II даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирлайди.

Яна бир профессинал ҳарбий журналист капитан Тўлаган Соатийдир. Газетанинг 1944 йил 2 августдаги сонда унинг «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» Бўтабой Содиков» номили мақоласи чоп этилган. Унда 15 та танки яқсон қилган қаҳрамон ҳақида, ўзбек ўғлонининг жасорати, матонати ҳусусида ёзилган.


«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945 йил 1 январдаги сонда яна бир профессинал ҳарбий журналист Адҳам Ҳамдамнинг «Бешинчи зарба қаҳрамонлари» мақоласи босилган. Унда муаллиф ўзбекистонлик мард ўғлонлар, жумладан катта лейтенант Абдусаттор Эшонқулов, старшина Қурбон Давлатов, катта сержант Ҳасан Иброҳимов, кичик сержант Малик Аскарлов кабиларнинг кўрсатган жасорати, улар билан бутун фронт фахрлинишини ёзади. Белоруссия учун кечган қақшатқич жангларда душманга берилган бешинчи зарбанинг иштирокчилари ва қаҳрамонлари сафида бўлганликлари учун шундай сарлавҳа қўйилган.

«Правда Востока» газетасининг 1945 йилги сонларида ҳарбий журналист капитан Адҳам Раҳматов томонидан фронтдан йўлланган материаллар босилган. Масалан, 1945 йил 7 январь сонда муаллифининг Шарқий Пруссиядан йўлланган «Гроза вражеских самоходок» ҳамда 1945 йил 4 февраль сонда «Двадцать девять» мақоласи эълон қилинади.

Ҳаваскор ҳарбий журналистлар асосан фронтдан хабарлар йўллаб турган ҳарбий хизматчилар, жамоатчи мухбирлардир. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1944 йилдаги айрим сонларида куйидаги ҳаваскор ҳарбий журналистларнинг кўплаб мақолаларини учратдик. Катта сержант Ҳ. Тўраевнинг «Дўстлик», лейтенант Фарҳод Муродовнинг «Орденли алоқачи Ҳошимов», капитан Тоштемир Тошбоевнинг «Жанг устаси» номили материаллари шулар сирасидан.

Уруш вақтида ҳарбий журналистика ҳам тобланиди. Ўзбек ҳарбий журналистларининг фашизм устидан қозонилган ғалабадаги ҳиссасини тарихдан излашга уриндик. Хулоса ўзингиздан. Қилич ва ханжарнинг тифи ўткирлиги ёки соф пўлатдан ясалганини айтиб мақташдан наф йўқ. Қўйиб беринг. Жангда ўзи айтилади.

Алижон САФАРОВ



ЭЪЗОЗ ТОПГАН ҚАДРИ БАЛАНД ИНСОНЛАР

« Ёши улуг инсонларга рўбарў келганингизда қалбингизни ажиб туйғу эгаллайди. Хурматини жойига қўйишга шошиласиз. Ҳаёт заҳматларида тобланган, минглаб синовларни енгиб ўтган бу инсонлар чиндан-да ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Улар орасида юрт хизматида турганлар борки, ғайрат ва шижоатиға ҳавасингиз келади. Истеъфодаги ҳарбий соҳа вакиллари ичида ҳам бундай тиниб-тинчимас, касби сабаб кадр топган инсонларни кўплаб учратиш мумкин.

ОЛТМИШ ЙИЛ ЮРТ ХИЗМАТИДА



Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникасидамиз. Бу ерда ҳар куни юзлаб ҳарбий хизматчилар саломатлиги малакали шифокорлар назоратидан ўтади. Жонкуяр тиббиёт ходимлари Ватан посбонларининг саломатлиги устида қайғуради. Улар орасида умрини тиббиётга, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини асрашга бахшида этган устоз шифокорлар бор. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Ҳебро Шукуров соҳанинг мана шундай фидойи ходимларидан.

Ҳайратланарли жиҳати, шижоати баланд тажрибали жарроҳ баҳорнинг илк куниди 85 ёшни қарши олди. Марказий поликлиниканинг жарроҳлик бўлинмасига етакчилик қилиб келаётган Ҳебро Шукуровнинг босиб ўтган йўли ҳар жиҳатдан ёшларга ўрнат.

– Ҳебро Шукуров билан 2002 йилдан буён бирга ишлайман, – дейди жарроҳлик бўлинмасининг катта ҳамшираси Дилором Мамажоновна. – Улардаги касбга бўлган муҳаббат, садоқат, шу ёшда ҳам тажрибаси устида ишлаши барча шифокорларга ўрнак бўлса арзийди. Устознинг ғайрат ва шижоатиға тан бермай илож йўқ. Жарроҳлик текширувини тез ва сифатли бажаради. Беморларнинг эшик олдида узоқ навбат кутишни истамайди. Жарроҳлик амалиётида ўта эътиборли. Бошлаган ишини охирига қадар назорат қилади, беморнинг ҳолидан хабардор бўлиб туради. Биздан ҳам шуни талаб қилади. Мен Ҳебро академик нафақат тиббиётда тажриба орттирдим, балки касаллар билан мулоқот борасида ҳам кўп нарса ўргандим. Бундай малакали, жонкуяр шифокор

билан бирга ишлаш фойдали ва албатта фахрли.

Ҳебро аканинг замонавий тиббиётдан доимо воқиф бўлиб туриши, тажрибасини сайқаллаб боришга ҳаракат қилишини эшитиб, бир шифокор билан бўлган сўхбат ёдимга тушди. У: «шифокор – доимо талаба, деган ибора бор тиббиётда. Чунки шифокорлар доимо ўқиб-ўрганишда, изланишда бўлиши шарт», деганди. Дарҳақиқат, замон қай даражада ривожланмасин, янги-янги касалликлар бўй кўрсатаверади. Янги даволаш усуллари, янги турдаги дори-дармонлар жорий этилаверади.

Тиббиётда 60 йиллик тажрибага эга устоз шифокорнинг ўз устида ишлаши касбини ҳурмат қилиши ва севишидан далолат, шубҳасиз. Ҳарбий шифокорларнинг оддий тиббиёт ходимларидан фарқи улар интизом одами. Қаерга хизматга жўнатилса, ўша ерда бурчини бажаради. Ҳебро ака ҳам фаолияти давомида кўп жойларда хизматда бўлди, кўплаб синовларни бошидан ўтказди. Мазъулиятли хизмати билан бирга оиласига ғамхўрлик қилиш, фарзандларига меҳрибон ота бўлиши унутмади. Турмуш ўртоғи Людмила опа билан бирга икки ўғил ва бир қизни вояга етказди, зиёли инсонлар сафига қўшди.


– Инсоннинг, «мен бахтлиман», дея олишида икки нарса муҳим, – дейди Ҳебро ака сўхбат чоғида. – Биринчиси оиласи бўлса, иккинчиси севган касб-ҳунари. Унинг эл назарида бўлишида ҳам шу икки нарса муҳим ўрин тутайди. Мен бу борада бахтли инсонман. Фарзандларим соғлом вояга етишди, истаган, интилган касбларини эгаллашди. Ўғилларим ҳарбий соҳани танлашди. Рустам Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида, Темур Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олди. Иккиси ҳам юрт тинчлиги учун фидойи инсонлар сафига бўлди. Айни дамда ўғилларим истеъфодаги подполковниклар сафига. Қизим Раъно эса биокимёгар. У ҳам ҳозирда пенсияда. Аммо барчасида менинг қоним бор: ғайратли, иш билан банд.

Турмуш ўртоғим Людмила ҳамшира бўлган. У билан бирга ишлаганмиз, бир-биримизни синаб, севиб оила кўрганмиз. Кексайганда бир-бирига суянчиқ ва ғамхўр бўлиш катта бахт. Қўша қариш деб шуни айтишса керак. Касбим эса менинг ҳаётим. Бир умр ҳарбийлар сафига, уларнинг

дардига даво бўлишга ҳаракат қилдим. Ҳарбий хизматчиларнинг беморликдан ҳалос бўлиб оёққа туриши, хизматини давом эттириши шифокорларга кўтаринки кайфият бағишлайди, албатта. Мен шифокорликда кечган ҳар бир куним, ҳар бир дақиқа учун ҳаётдан миннатдорман. Неча ёшда бўлмай, куч-қувватим, билимим етгунга қадар Ватан ҳимоячилари хизматида бўлишга тайёрман.

Тажрибали, таниқли шифокор қаерда хизматда бўлмасин, ортида унутилмас фидойилик ва шогирдлар қолдирган. Уларнинг сони неча юзлаб бўлса, ажабмас. Марказий поликлиниканинг жарроҳлик бўлими бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Назиржон Алиқуллов ҳам Ҳебро аканинг шогирдларидан бири. У устози ҳақидаги ўз фикрини қуйидагича билдириб ўтди:

– Устозимиз истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Ҳебро Шукуров ҳақида қанча гапирсак оз. Аввало, жарроҳликда жуда катта билимга эга. Ҳаётий тажрибаси ҳам юқори. Биз ҳар қандай баҳс-мунозарали ҳолатда Ҳебро академик ёрдам сўраймиз. Ҳар гал оғир ва босиқлик билан вавоб



баради. Ҳар қандай вазиятда ҳам маслаҳат ва ёрдамни аямайди. Шогирдларига ўз ўрнида талабчан, ўз ўрнида меҳрибон...

СОҲАНИНГ ФИДОЙИ ЕТАКЧИСИ

Истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Равшан Тўхтаматов 28 йилдан буён Ватан ҳимоячилари саломатлигини асраш йўлида жон куйдиради. Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)ни тамомлаган лавҳамиз қаҳрамони илк фаолиятини ҳарбий қисм тиббиёт пункти бошлиғи вазифасидан бошлади. Қаерда хизматда бўлмасин, вазифасига мазъулият ила ёндашди, тиришқоқ ва билимдонлиги билан ўз ўрнига эга бўлиб борди. Албатта, соҳа етакчиси бўлиш осон эмас, айниқса, ҳарбий тиббиётда. 2007 йилдан 2019 йилга қадар Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бошлиғи лавозимида фаолият юритган Равшан ака ўз вазифасини сидқидилдан бажарди. Соҳани

чуқур эгаллаш учун доимий равишда изланишда бўлди.

Тиббиётнинг ушбу соҳасига назар ташласак, Қуролли Кучларда санитария-эпидемиология назорати қай даражада зарур эканлигини ҳис қиласиз. Негаки, уюшган жамоа ҳисобланувчи шахсий таркибнинг саломатлигини асраш жанговар тайёргарлик гарови, десак бўлади. Бунинг учун назорат маркази ходимлари ҳарбий қисм ва муассасаларда доимий равишда тозалikka риоа қилиш, юқумли касалликлар ва ўта хавфли инфекцияларнинг олдини олишда ташвиқот ишлари олиб боради. Унинг тарқалишига қарши эпидемиологик чора-тадбирлар ўтказишни ташкиллаштириш ҳамда бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади. Шубҳасизки, тиббиётнинг бу бўғини қай даражада шарт ва зарур эканлигини англаш қийин эмас.

Лавҳамиз қаҳрамонининг фидойилиги ўз ўрнида эътироф топди. «Содиқ хизматлари учун» медали ҳамда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги» кўкрак нишони билан тақдирланди. Равшан ака истеъфода чиққанидан кейин ҳам сеvimли касбини давом эттириб келяпти. Истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Равшан Тўхтаматов айни дамда Санитария-эпидемиология назорат марказининг санитария-гигиена лабораториясида етакчи шифокор.

– Равшан Холматович юқори малака соҳиб, – устози ҳақида фикр билдиради тиббий хизмат майори Машкура Имомназарова. – Соҳа сирларини яхши эгаллаш билан бирга, биз – шогирдларга ҳам ўргатиб боради. Инсон сифатида эса самимий ва меҳрибон. Нафақат касбида жонкуяр, балки оилапарвар эканлиги ҳам барчага ўрнак. Биз устозимиздан ҳар томонлама ўрнак олишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар бир соҳада «Устоз – шогирд» аънанаси бор. Малакали шифокорнинг касбдошлари айни дамда унинг элликдан зиёд шогирдлари фаолият юритаётганига ургу бериб ўтишди. Тиббий хизмат подполковниклари – Холмат Норбоев, Толмас Эшқобилов, Бобомурод Тўраев, тиббий хизмат майори Мақсуда Яралова каби бир қатор малакали шифокорлар шулар жумласидандир.

Турмуш ўртоғи Гўлсина опа билан фарзандлар улғайтириб, элга қўшган Равшан аканинг оиласига барча ҳавас қилади. Қизлари Озодаҳон, Диебраҳон, ўғли Яҳёбек зиёли инсонлар сафига, юрт хизматида.

Севимли оиласи, севган касби, эл ҳурматиға сазовор бўлган инсонларнинг умр йўли ҳақида узоқ сўз юритиш мумкин. Мухтасар айтганда, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Равшан Тўхтаматов каби инсонлар фидойи хизмати, юртга садоқати билан эл аро қадрлидир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

ҲУҚУҚ

Навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга чақирув тadbирларининг меъёрий ҳужжатлар талабларига ва санитария-эпидемиология қоидаларига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология нazorати маркази мутахассислари билан ҳамкорликда доимий назоратга олинган.

2020 йил 18 март куни Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида чақирилувчиларни Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмларига муддатли ҳарбий хизматга кузатиш жараёни ва чақирув тиббий комиссияси фаолияти қонун ҳужжатлари талаблари доирасида йўлга қўйилган, барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

Саф майдони, овқатланиш ва кийиниш жойлари, барча бино ва ёрдамчи хоналар,

ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР МАНЗИЛГА МУНОСИБ КУЗАТИЛДИ

кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомлар, чақирилувчиларни манзилларга етказиш учун шай қилинган транспорт воситалари коронавирус пандемияси юқишининг олдини олиш борасидаги санитария-эпидемиология хавфсизлик қоидалари асосида ҳозирланган.

Жойлар, бинолар, хона ва транспорт воситаларини дезинфекция қилиш тadbирлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Кузатув жараёнида ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва ота-оналар чақирилувчиларни Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб топилганликлари билан

табриклаб, уларнинг хизматларида омад ёр бўлишини, халқига ва Президентига садоқат билан хизмат қилишлари ҳақида тилак билдирдилар.

Шундан сўнг чақирилувчилар кузатув маросимига ёзилган дастурхонга таклиф этилди ҳамда уларга китоблар, хизматга доир эслатмалар ва бошқа эсдалик совғалар улашиб, автобуслар карвони сари кузатиб қўйилди.

Адлия майори Қобил АНАРБОЕВ,
Республика Ҳарбий
прокуратураси бўлим бошлиғи

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ҚОИДАЛАРИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Айни вақтда мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг кўламли ва зарур чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Барча хизмат жойларида санитария-эпидемиология хавфсизлик чоралари қучайтирилган.

Бу жараёнда белгиланган қоидаларга амал қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги вакиллари ва вазирлик Санитария-эпидемиология нazorати маркази мутахассислари билан ҳамкорликда доимий назорат ўрнатилган.

Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда ҳам барча хизмат хоналари, ошхона, аскарлар ётоқхонаси, саф майдони, барча жойлар

ва транспорт воситалари санитария-эпидемиология хавфсизлик қоидалари асосида ҳозирланган ҳамда дезинфекция ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Тонгги вақт ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмга кириши олдида махсус мослама орқали тана ҳарорати ўлчаниб, махсус текширувдан ўтказилмоқда ва уларга бепул тиббий ниқоблар тарқатилиши йўлга қўйилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг учун фаолият юритаётган аутсорсинг хизмати сифати, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомлар тайёрлаш жараёни ҳам ўрнатилган меъёрлар доирасида санитария-эпидемиология хавфсизлик қоидаларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Ҳарбий қисмда фаолият юритаётган ҳарбий савдо дўконида ҳам рухсат этилган барча товарлар тўлиқ ва захираси билан

ташкил қилинган ҳамда арзон нархларда сотувга қўйилган.

Ҳарбий қисмда мутахассислар билан ҳамкорликда коронавирус инфекцияси юқишининг олдини олишда алоҳида эътибор бериладиган талаблар, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти бўйича тушунтиришлар берилди, санитария-эпидемиология хавфсизлик қоидалари бўйича эслатмалар тарқатилди.

Адлия подполковниги
Дилшод БОЙКУЗИЕВ,
Тошкент ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси

КАРАНТИН ПАЙТИДА

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси кимларга берилади?

Бугунги кунда тегишли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тadbирлар амалга оширилмоқда.

Коронавируснинг келтириши мумкин бўлган кўнгилсиз вазиятларни йўқотиш мақсадида жойлардаги алоҳида аҳоли пунктлари ва ҳудудларда карантин жорий этилган. Шу сабабли ташкилотлардаги ишчи ходимларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб олиб бориши учун шароитлар яратиб берилмоқда.

Карантин сабабли бўладиган ҳодисаларга нисбатан аҳоли ўртасида қонун ва қонун ости ҳужжатларни нотўғри талқин этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 285-моддасига асосан «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан, турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланиши белгиланган». Карантин эълон қилинганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини бериш тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 17 апрелда 2667-сон билан рўйхатга олинган) тасдиқланган.

Ушбу буйруқнинг 8-бобида асосан карантин вақтида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги шахсларга:

бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахслар ишдан четлаштирилиб, иш берувчи томонидан

мумкин бўлган иш билан таъминланмаганда, даволаниш даврига меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади;

давлат санитария нazorатини амалга ошираётган мансабдор шахс томонидан бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштириш ёки атрофдагилар учун хавfli бўлган юқумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни шифохонага ётқизиш талаб қилинганда даволовчи шифокор томонидан мазкур мансабдор шахс томонидан белгиланган муддат даврига меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади;

карантинда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг рухсати асосида эпидемиолог ёки санитар шифокор томонидан берилиши мумкин.

Адлия лейтенанти
Шоҳнур ЭРНАЗАРОВ

КАҲРАМОНЛИК

Агар ўшанда батальон командири капитан Тулаев полкнинг бошқа батальонлари ҳам етиб келиб, позицияни эгаллашни кутиб турганида бунақа бўлмасми. Қарийб уч ой қуршовда қолиб, ўрмонда санғишган эди. Ҳамманинг соч-соқоли ўсиб кетган, соқол олиш уёқда турсин, қўл-бетни тузукроқ чайиб олишга ҳам имкон топилмасди. Келиб чиқиши қалмиқларга бориб тақаладиган капитан Тулаевнинг соқоли энгагида, эчкиникига ўхшаб ўсганди.

...Батальон қуршовга тушиб қолганидан бери тутдек тўкилиб, бор-йўғи етмиштагина жангчи қолган, уларнинг ҳам анчаси ярадор, очликдан силлалари қуриган эди. Тўплар, станокли пулемётлар, алоқа ускуналари ва движоклар ташлаб юборилгач, Маҳмуд ва унинг алоқаи аскарлари ҳам оддий жангчиларга айланишди.

Капитан Тулаев 1942 йилнинг 31 декабрь кечаси қуршовни ёриб, ўзимизникилар томонга ўтиб олишга қарор қилди. Маҳмуд ва унинг аскарларига тош йўлни кузатиш ва техникалар қатнови қайси томонга кўпроқ бўлишини ҳисобга олиш топширилди. Бу нисбатан оддий иш эди. Ўрмонга бекиниб олиб, қайси томонга нечта машина ўтишини санаб ётасан.

– Ўртоқ лейтенант, анавини қаранг, – дурбинни узатди Андрей деган, чорпахилдан келган сибирлик аскар, – ҳар ўн беш, йигирма минутда ўтиб, қайтиб турибди.

Маҳмуд дурбинни тош йўлга тўғрилади. Йўлда мотоцикл усти брезент билан ёпилган, ёнига қорбобо, безатилган арча суратлари рангдор бўёқларда чизилган юк машинасини эргаштириб кетарди. Кажавали мотоцикл рулида озгиндан келган новча фашист, кажавасида хўппа семиз офицер ўтирарди. Мотоцикл ва машина гуриллаганча бир зумда ўтиб, йўл буралган жойда кўздан йўқолди.

– Ўн беш минутларда қайтади, кўрасиз, – деди Андрей унинг ортидан қарар экан.

– Ундай бўлса, уни тўхтатиб кўрмаймизми? – Нима кераги бор, ўртоқ лейтенант, бизга бунақа буйруқ берилмаган-ку! – деди Андрей эринчоқлик билан.

– Бугун байрам, Андрюша, машинанинг безатилганига қараганда фашистларга совға тарқатаётган бўлса керак. Балки бизга ҳам бирон егулик топилиб қолар.

Қорни қулдираб турган аскарларга бирдан жон кирди.

– Уларда зўр шнапс бўлади, – деди грузин Коте тамшанганча, – ичсанг, жаннатга тушгандек маза қилсан.

Шу пайт узқондан мотоцикл ва юк машинасининг қораси кўринди. Маҳмуд дурбиндан машинани кузатди. Унда ҳайдовчининг ёнида ўтирган фашист автоматчисидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Мотоциклда эса ўша-ўша, семиз офицер ва фашист.

– Йигитлар, улар Тўртта экан, биз ҳам Тўртта-миз. Коте, сен ва Толик машинани, мен Андрей билан мотоциклни босамиз. Уч минутда улгуришимиз керак. Коте машина ҳайдашни биласанми? – Ҳа, ўртоқ лейтенант.

– Ундай бўлса, машинага ўтирасан-да, ортимдан ҳайдайсан. Андрей, Толик, сизлар тош йўлдан фронтларнинг жасадини олиб, ўрмонга бекитасизлар. Тушунарлими?! Бошладик!

Бир пайтнинг ўзига бирваракайига Тўртта ўқ отилди. Мотоциклчи новча фашист эгардан учиб кетиб, кажав ва орқа филдирак орасига текилиб қолди. Мотор нафаси қисилгандек пати-путур қилганча ўчиб қолди. Кажава зўрга сиғиб ўтирган бақалоқ офицер эса маст эди. Нима бўлаётганини англамас, ўз тилида алланималарни гўлдираганча ўрнидан туришга ҳаракат қиларди. Маҳмуднинг залворли мушти уни тинчитиб қўя қолди. Бу пайтда Андрей филдирак орасида қисилиб қолган фашистнинг жасадини тортиб олиб, ўрмон тарафга судраб кетди. Иккинчи гуруҳ ҳам ўз ишларини уйдлашган шекилли Коте рулга ўтириб, машинани ўт олдириди. Маҳмуд ҳам тепкини босиб, моторни ёқди ва газни босди.

Икки ойдан бери телефон кабели ўралган қал-

так билан кадамба-кадам кезиб чиққанидан бу жойларни Маҳмуд яхши биларди. Ярим чақирим нарида от-арава сиғадиган ўрмон сўқмоғи бор эди. У мотоциклни шу сўқмоққа бурди. Икки юз кадам ўрмон ичкарасига кирганларидан сўнг мотоциклни тўхтатиб, моторни ўчирди. Изма-из келган Коте ҳам машинани тўхтатиб, кабинадан сакраб тушди ва кизиқувчанлик билан борга тирмаша бошлади.

– Шошма, Коте, фашист исковучлар хид олиб улгурмасидан, муюлишдаги изларни йўқотиш керак.

Маҳмуд қарағай шохларидан синдира бошлади.

– Буни нима қиламиз, ўртоқ лейтенант? – кажавада бошини осилтириб ўтирган бақалоқ фашистга ишора қилди Коте.

– Бу ҳалибери

ЁРИБ ЎТИШ (ҲИКОЯ)

ёхуд бир ўзбек жангчисининг бошидан кечирганлари



ўзига келмайди. Изни йўқотайлик, кейин уни комбатга топширамиз.

Улар шох-шаббаларни кўтарганча муюлиш томон югуришди. Кўча фаррошлари сингари йўлни супуришаётган пайтда ўрмондан хавотирланган капитан Тулаев ва лейтенант Грач чиқиб келишди.

– Нима гап, лейтенант, ўқ овозлари эшитилди?

– Ҳаммаси жойида, ўртоқ капитан. Фашистлардан байрам совғаси олдик.

– Йўғе-е, қани кўрсат-чи...

Улар сўқмоқ бўйлаб ўрмон ичкарасига юришди. Фашист ҳамон кажавада бошини осилтириб ўтирар, онда-сонда ғалати, «ҳиқ» этган товуш чиқариб қўярди.

– Ярадорми? – сўради Грач фашистни кўрсатиб.

– Йўқ, ғирт маст. Ўрнидан тура олмайди.

– Қани, немис биродарларимиз бизга нима илينيшибди?

Коте иргиганча кузовга чиқиб, брезентни кўтарди. Унинг остида қатор қилиб терилган кутилар турарди. Коте улардан бирини очди.

– Ў-хў, ўртоқ комбат, буни қаранг! – қути ичидан битта коньяк шисасини олиб кўрсатди.

– Ўлжамиз чакки эмас кўринади. Нон, пишлоқ, колбаса, консерваланган балик, шоколадлар! Роса байрам қиладиган бўлдик, ўртоқ капитан!

– Молчати!

Байрамога ғала-говур шу заҳоти тинди.

– Грач, буларнинг ҳаммасини хозчага топширинг. Ичимликни битта қолдирмай Иван Игнатъичга беринг. Ўзим текшираман!

– Ести!

– Муродов, сизнинг бўлинмангизга қўмондонлик номидан ташаккур билдираман! Энди эса ўз постингизга қайтиб, навбатчилигингизни давом эттиринг!

– Ести! – Маҳмуд чест бериб, ортига ўгирилди.

– Оддий аскар Пайчадзе, сиз асирни штабга олиб бориб топширинг!

Кузатув пунктига бир ўзи қайтиб келган Маҳмудни кўриб, Андрей дик этиб ўрнидан турди.

– Коте қани, ўртоқ лейтенант?

– Кажавадаги дум-думалоқ фашистни штабга олиб кетди.

– Машинада нима бор экан? – гапга қўшилди Толик.

– Айтсам, тўполон қилиб ё қочиб кетмайсанларми? – жўрттага гапни айлантирди Маҳмуд.

– Ие, нималар деяпсиз, ўртоқ лейтенант! Айта қолинг, очликдан кўнглим айниб кетяпти! – минғирлади Андрей тош йўлдан кўз узмай.

– Айтсам айтибман-да, бир нечта бўшаган снаряд қутиси, занглаган патронми, яна шунақа тақир-тукурлар-да.

– Шуларни деб жонимни гаровга қўйдимми, ҳали? – норози тўнғиллади Толик. – Сал қолди мени анави автоматчи отиб ташлашига.

Шу пайт аллақандай гуржича куйни ҳуштакда чалиб келаётган Котенинг бахтдан тўлиб-тошиб кетган бурундор башараси намоён бўлди.

– Қани, болалар, Қорбобонгизни кутиб олинглар!

– Ҳей, шанғиллама, постдамиз, ахир!

Коте бунга эътибор бермай, қўйнидан бир буханка нон, иккита колбаса, Тўртта плиткали шоколад чиқариб, қори супурилиб, шох-шабба тўшалган жойга қўйди. Андрей очофатларча егуликларга ташланган эди, Коте қўлига шап этиб урди.

– Шошма, тўясан!

Ён чўнтагидан буклама пичоқ чиқариб, шошилмай нон ва колбасаларни бир-бир тўғраб чиқди. Шундан кейингина қолганларни таклиф қилди. Андрей шоша-пиша бир бўлак нон ва колбасани оғзига тиқиб, апил-тапил чайнаб ютди. Шундан кейингина нафси бироз ором олиб, бошини кўтарди. Ҳамма унга қараб, қулиб турганини кўриб, бироз қизариб, ўзини оқлаган бўлди:

– Ахир, неча кундан бери туз тотганим йўқ,

ўртоқ лейтенант.

– Бошқалар-чи, бошқалар зиёфатда бўкиб юришибди экан-да?

– Мен очликка чидай олмайман. Ошқозоним касал, – Андрей қўлларини ишқалаб яна нон ва колбасага ташланаркан, Котега гап отди: – газакка гап йўқ, Коте. Фашистлар анавудан жўнатишмаган экан-да. Зўр кетарди-да, булар билан.

– Сен Котени ким деб ўйлаясан, сибирлик мишиқи! – Коте чўнтагидан узунчоқ шишани чиқарди. – Мана энг зўр Бургунд виноси! Буни ўз вақтида кюрфюрстлар ичган!

– Тўхта, геноцвали, буни қаердан олдинг, ахир капитан ичимликни санчагга топширинглар, деганди-ку!

– Комбат буйруқ бергунча олгандим. Буларни эса, – Коте егуликларга ишора қилди, – ошпаз Борисов берди. Тўрт кишига битта буханка, икки кишига битта колбаса, киши бошига бир плиткадан шоколад.

– Майли, бўлмаса бир хўппам-бир хўппамдан ичинглар, қолганини фляганга солиб қўй.

– Сиз-чи, ўртоқ лейтенант, ичмайсизми?

– Йўқ, – деди Маҳмуд ва хўмрайганча дурбинни кўзига олиб бориб, тош йўлни кузата бошлади...

...Бақалоқ фашист бошига не кўргиликлар тушганини кайфи тарқатганидан кейингина англаб етган шекилли, палатканинг бурчагидаги тўнғакда қалт-қалт титраб, кўзининг пахтасини чиқариб ўтирарди. Уни капитанинг ўзи сўроқ қилмоқчи, таржимонлик қилишга кўндириш учун Граччи Иван Игнатъевич хузурига жўнатиб, бетоқатлик билан кутиб ўтирарди. Эллик ёшлардаги ҳарбий врач Иван Игнатъевич Лукин Биринчи жаҳон урушидан олдин Берлинда ва Венада олти йил тиббиётдан сабоқ олган, немис тилини сув қилиб ичганди. Бирок ўзига яраша калондимоғ бўлган доктор ўзини ҳақиқий зиёли одам деб ҳисоблар, ҳарбийларнинг кўполдан-кўпол тўпорлигини ҳазм қила олмас, тиббий ёрдамдан бошқа ишга ўзини мажбур қилишадиган бўлса ғазабдан портлаб кетарди. Лекин бугун унинг кайфи чоғ эди. Анча йиллардан бери илк бора унга Швейцария плиткали шоколадини тутқазишди. Кейин бир олам турли-туман шишаларда шнапслар, ромлар, олиймақом коньяклар олиб келиб беришди. Шоколадни газак қилиб икки қадахча коньякни илтимос қилиб олган Иван Игнатъевич комбатнинг нўшмосига таранг қилиб турмасдан осонгина кўна қолди.

(Давоми бор)

Кичик сержант Ортиқбой ҚУРАМБОЕВ

СПОРТ

Дунё бўйлаб тарқалган коронавирус одамлар ҳаётига хавф солиш билан бирга уларнинг саломатлиги ва бирлиги учун хизмат қилувчи спортга ҳам катта ҳужум қилди – халқаро миқёсдаги аксарият мусобақалар кечиктирилди, мамлакат миқёсдагилари ҳам тўхтатилди. Спорт мухлислари эса тарих солномасига назар солиб, ўзларини рекордлар, воқеалар, натижалар билан овутишмоқда. Биз ҳам тарихга, армия спортчиларининг эришган муваффақиятларига таҳлилий жиҳатдан назар солишни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1993 йилда ташкил этилган Марказий ҳарбий спорт клуби (МХСК, эндиликда Mudofaa vazirligi sport klubi – MVSK) 28 йилдириги мамлакатимиз армиясининг спорт маркази, миллий терма жамоаларимизнинг таянч устун сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг энг етакчи олий маҳорат спорт мактабларидан бири ҳисобланган MVSKда 20 дан ортиқ спорт турлари бўйича 16 та йўналишдаги фаолият, яъни баскетбол, бокс, дзюдо, енгил атлетика, камондан отиш, кураш, мерганлик (ўқ отиш), оғир атлетика, самбо, сув полосо, тазквондо, теннис, трамполин, Шарқ яқка курашлари ва ҳарбий-амалий спорт (армрестлинг, жиу-житсу, универсал жанг, қўл жанги, тош кўтариш), эшак эшиш (байдарка ва каное) билан шуғулланиш йўлга қўйилган. Клубда 600 нафардан ортиқ юқори тоифали спортчилар шуғулланади ва ўз маҳоратларига сайқал беради. Уларга олий ва бошқа турли даражадаги 100 нафарга яқин мураббийлар устозлик қилади. Ҳар йили клубнинг 10 нафардан ортиқ вакили белгиланган меъёрларни бажариб, юқори тоифали катта маҳорат соҳиблари сафига қўшилади, содда айтганда, ёшлар «профессионал спортчи»га айланади.

2012 йил бошида Осиё олимпия кенгаши (ООК)

ВАТАН УЛУҒ, ШАРАФЛАШ БАҲОДИРЛАРГА ХОС



президенти Шейх Аҳмад аль-Фаҳад аль-Сабах юртимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон спортчиларининг тайёргарлик дастури билан танишган ва жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантиришга юртимизда давлат томонидан катта эътибор берилётганига гувоҳ бўлган, эришилаётган муваффақиятларда армия спортчиларининг алоҳида ўрни борлиги эса унда янада катта таассурот уйғотганди. Зеро, 2011 йилги мавсумда Ўзбекистон спортчилари 253 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 235 та олтин, 229 та кумуш, 325 та бронза, жами 789 та медалга сазовор бўлган, шунинг 204 тасини армия спорт клуби вакиллари қўлга киритганди. Ўша йили армиямиз спортчиларидан 77 нафари халқаро ареналарда зафар қозонган ва телеэкран қаршида севиниб ўтирган минглаб мухлисларни ҳам ўзлари билан бирга Ватанимиз мадҳиясини жўр бўлиб қуйлашга ундашганди. 2011 йили Ўзбекистон байроғи халқаро майдонда яна 127 марта МХСК аъзоларининг муваффақиятлари эъзига баланд кўтарилди, яъни жаҳоннинг турли бурчакларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда 60 та кумуш ва 67 та бронза медал ҳам қўлга киритилди.

Ўша мавсумдан эътиборан клуб спортчилари маҳоратида аста-секин ўсиш кузатилди, кўрсаткичлари ҳам янада юқорилаб бошлади. Хусусан,

2012 йилги мавсумда армия спорт клуби вакиллари мамлакат чемпионатлари ва кубок баҳсларида, шунингдек юртимиз терма жамоаси таркибида халқаро мусобақалар, китъа ва жаҳон биринчиликлари ҳамда ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, 442 та олтин, 321 та кумуш, 304 та бронза, жами 1 097 та медални қўлга киритишди. Шундан 87 та олтин, 64 та кумуш, 71 та бронза, жами 222 та медалга халқаро майдонда эришилди. Бу муваффақият армия спортчиларининг ўтган барча йиллар давомидаги энг юқори кўрсаткичи сифатида 2018 йилга қадар сақланиб қолди. Ҳа, спортга хос авлодлар алмашинуви ҳам маълум муддат клубнинг мавсум бўйича яқиний натижаларига таъсир қилди. 2018 йили MVSK аъзолари сермахсуллик борасида аввалги рекорд кўрсаткичларини янгилашди – 460 та олтин, 343 та кумуш, 325 та бронза, жами 1128 та медалга сазовор бўлишди. Мазкур мавсум сермахсуллиги Индонезияда бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинлари билан ҳам боғлиқ жараён. Унда армиямиз спортчилари 10 та олтин, 11 та кумуш, 12 та бронза, жами 33 та медални қўлга киритишганди.

Ўтган 2019 йилги мавсум ҳам MVSK учун муваффақиятли аяқланди. Таъкидлаш жоиз, ҳар икки-уч йилда бир марта ўтказиладиган халқаро мусобақалар, хусусан тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари ҳамда унга саралаш мақомидаги турнирлар умумий натижалар турли хиллигига ҳам сабаб бўлади. Шунга қарамай, MVSK аъзоларининг сўнгги икки мавсумдаги халқаро майдон умумий кўрсаткичлари бир хил, сифат жиҳатидан эса турлича бўлди: 2018 йилги мавсумда – 103 та олтин, 104 та кумуш, 64 та бронза, жами 271 та медални қўлга киритган MVSK аъзолари 2019 йилги мавсумда – 99 та олтин, 82 та кумуш, 90 та бронза, жами 271 та медалга сазовор бўлишди.

Армиямиз спортчилари учун 28 та мавсум тарихига айланди. 1992 – 2019 йиллар мобайнида халқаро майдонда MVSK аъзолари томонидан 1098 та олтин, 939 та кумуш, 990 та бронза, жами 3027 та медал қўлга киритилди. Ушбу факт ва рақамларни бироз бошқача изоҳлаганда, армиямиз спортчилари 28 та мавсум давомида юртимиз байроғи дунё ареналарида 3 027 марта юқори кўтарилишига, 1 098 марта давлатимиз мадҳияси (ғолиблик шарафи учун баралла) янграшига сабабчи бўлишди ва бу орқали ёшларимизнинг ғурурини юксалтиришга, ўз навбатида, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадрияларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилишди.

Армиямиз спортчилари ортда қолган 28 та мавсумнинг мамлакат миқёсидаги мусобақаларида янада юқори натижаларга эришишди, яъни 5188 та олтин, 3 590 та кумуш, 3 234 та бронза, жами 12 012 та медалга сазовор бўлишди. Халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритилган жами медаллар сони эса 15 039 тани (6 286 та олтин, 4 529 та кумуш, 4 224 та бронза) ташкил этди.

Ватан улуг, уни шарафлаш баҳодирларга хос! Юртимизда баркамол, навқирон авлод вояга етган экан, уларнинг жаҳон майдонларидаги ғалабалари шарафига куч-қудрат, жасорат, тараққиёт тимсоли сифатида Ватанимиз байроғи дунё миқёсида доим баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграйверсин! Бу муваффақиятларда юртимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлиги ва барқарорлиги, осуда ва обод мамлакатимиз тимсоли сифатида армиямиз спортчилари – MVSK вакиллари муносиб улуши бўлаверсин!

Расул ЖУМАЕВ

1992 – 2019 ЙИЛЛАРДА ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ

MVSK	Мамлакат миқёсида (ММ)			Халқаро майдонда (ХМ)			Жами медаллар		
	Олтин	Кумуш	Бронза	Олтин	Кумуш	Бронза	ММ	ХМ	Жами
1992 й	69	32	34	3	6	6	135	15	150
1993 й	78	30	36	12	4	1	144	17	161
1994 й	85	38	41	32	26	20	164	78	242
1995 й	80	36	43	59	37	35	159	131	290
1996 й	92	44	52	22	9	19	188	50	238
1997 й	110	65	60	10	23	17	235	50	285
1998 й	118	63	69	4	6	15	250	25	275
1999 й	125	72	75	12	16	13	272	41	313
2000 й	120	86	73	5	8	8	279	21	300
2001 й	126	96	80	2	8	12	302	22	324
2002 й	130	108	99	4	14	9	337	27	364
2003 й	136	107	99	23	12	22	342	57	399
2004 й	140	109	102	11	14	10	351	35	386
2005 й	146	114	109	34	40	36	369	110	479
2006 й	158	121	106	28	46	36	385	110	495
2007 й	238	164	150	66	49	58	552	173	725
2008 й	233	148	119	61	62	86	500	209	709
2009 й	325	216	176	73	61	51	717	185	902
2010 й	280	236	176	63	42	52	692	157	849
2011 й	302	214	216	77	60	67	732	204	936
2012 й	385	257	233	87	64	71	875	222	1 097
2013 й	311	252	187	77	67	67	750	211	961
2014 й	281	211	181	71	55	73	673	199	872
2015 й	308	205	167	66	56	38	680	160	840
2016 й	298	197	193	46	44	37	688	127	815
2017 й	268	189	198	51	28	41	655	120	775
2018 й	357	239	261	103	104	64	857	271	1128
2019 й	246	180	160	99	82	90	586	271	857
28 йил мобайнида	5188	3590	3234	1098	939	990	12 012	3 027	15 039

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ХИТОЙ МУТАХАССИСЛАРИ ИШЛАНМАСИ

Хитойнинг «Ухань гайд инфраред» компанияси QN-506 деб номланган янги жанговар машинанинг тажриба намунасини намойиш этди. Бу машина «Тип 59» русумли (завод белгиси WZ-120) жанговар танк асосида яратилган. ZPT99 типидagi унификацияланган жанговар қурол модули билан жиҳозланган янги башня ўрнатиш мақсадида машина корпусига бир қатор ўзгаришлар киритилган.



Янги машинанинг жанговар оғирлиги 30 тонна, экипаж уч киши – механик-ҳайдовчи, командир ва нишонга олувчи аскардан иборат. Жанговар қурол модули таркибига 30 мм.ли автоматик тўп (жанговар комплекти 200 та снаряд), 7,62 мм.ли пулемёт (2 000 та патрон) қиради. Башнянинг ҳар икки томонига комбинацияланган бошқарув режимида эга бўлган танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни ишга туширувчи қурималар жойлаштирилган (уларнинг ҳар бирида отиш учун тайёр ҳолатдаги 2

тадан ракета бор). Ишга тушириш қурилмасининг устки қисмида ягона блокка бирлаштирилган, аммо алоҳида 2 та махсус контейнерга жойлаштирилган 70 мм.ли 20 та бошқарилмайдиган ракета бўлиб, улар очик жойлардаги нишонларга қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган. QN-506 фаол химия комплекси, снайперларга қарши кураш асбоблари билан жиҳозланган ва ўз бортида компьютерлаштирилган бошқарув тизими билан интеграцияланган 1 та жанговар учувчисиз учиш аппаратини олиб юриши мумкин.

ИМЕЕТ ПРОТИВОПУЛЬНОЕ БРОНИРОВАНИЕ

Американский стратегический военно-транспортный самолёт С-17А «Глоубмастер-3», разработанный корпорацией «Боинг», предназначен для переброски войск и боевой техники. Первый полёт выполнен в сентябре 1991 года.

Основные технико-тактические характеристики машины: экипаж три человека, максимальная крейсерская скорость (на высоте 8 500 м) соответствует числу $M = 0,74-0,77$, перегоночная дальность полета без дозаправки 9 000 км, практический потолок 13 700 м, максимальная взлетная масса 263,1 т, масса полезной нагрузки 78 т. Варианты загрузки: 134 экипированных военнослужащих или 102 десантника; основной боевой танк M1A1 «Абрамс», вертолёты (три АН-64 «Апач» и три ОН-58 «Кайова»; пять АН-1 «Кобра» или пять ОН-58 «Кайова»; четыре УН-60 «Блэк Хок»), артиллерийские установки (три 155-мм гаубицы с расчетами и три 5-т тягача), реактивные системы залпового огня, боевые машины пехоты и другая военная техника, 40 стандартных грузовых платформ 463L. Самолёт оборудован системой маловысотного сброса грузов LAPES (с помощью вытяжных парашютов), а также дозаправки топливом в воздухе. Нижняя часть фюзеляжа имеет противопульное бронирование. Силовая установка включает четыре двухконтурных турбореактивных двигателя F117-PW-100 фирмы «Пратт-Уитни» максимальной тягой по 181 кН. Длина самолёта 53 м, высота 16,8 м, размах крыла 51,7 м, площадь крыла 353 м².



СИНОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ



Хиндистонда маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган LCH типидagi янги енгил зарбдор вертолётнинг жанговар синовлари ўтказилди. Синов парвози давомида вертолёт катта баландликда ҳаракатланаётган нишонларни муваффақиятли яқсон қилди.

Енгил ва тезкор ҳаракатланувчи янги жанговар машина ҳаводан туриб ўт очиш орқали пидедаларни қўллаб-қувватлаш (шу жумладан, тоғли ҳудудларда) ҳамда душманнинг зиркли техникаларига қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган.

Барча талабларга жавоб берувчи мазкур зарбдор вертолётнинг узунлиги 15,8 метр, кўтарувчи винт диаметри 13,3 метр, максимал кўтарилиш оғирлиги 5,5 тонна, максимал тезлиги соатига 330 километр, максимал парвоз масофаси 550 километр. Вертолёт калибри 22 мм.ли авиация тўпи ва 70 мм.ли ракеталар билан қуролланган. Мазкур типдаги машиналарни мамлакат Қуролли Кучлари ихтиёридаги жанговар техника таркибига қабул қилиш мuddатлари ҳозирча маълум қилинмаган. Хиндистон армияси шу типдаги вертолётлардан жами 180 тасига буюртма берган.

ВИНТОВКА ПОВЫШЕННОЙ ТОЧНОСТИ

Для обеспечения разведки, наблюдения, обнаружения и опознавания цели оружейной лабораторией морской пехоты Министерства обороны США разработана 5,56-мм автоматическая винтовка повышенной точности SAM-R. Это оружие считается одной из модификаций 5,56-мм винтовки M16A4, которая в настоящее время является штатным образцом стрелкового оружия американских морских пехотинцев.

В целом эта винтовка являет собой пример использования модульного принципа при создании специализированного образца стрелкового оружия. Командование сил специальных операций СВ выбрало как базовый образец конструкцию бельгийской винтовки FN FNC, заключив контракт на разработку семейства винтовок SCAR для сил специального назначения. Тактико-технические требования к стрелковому оружию в программе SCAR предусматривали создание и принятие на вооружение двух базовых моделей винтовок: под патрон НАТО 5,56 x 45 мм SCAR-L (легкая) и 7,62 x 51 мм SCAR-H (тяжелая). Модульная конструкция ствола позволяет преобразовать эти две базовые модели в стандартную (SCAR-S) и для ближнего боя (CQC) путем замены всей ствольной коробки или только ствола. Возможно также создание снайперского варианта винтовки (SV) как в качестве модификации базовой версии, так и отдельного вида оружия. Винтовки FN SCAR могут оснащаться подствольным 40-мм гранатометом и оптоэлектронным прицельным комплексом




П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЎЗАРО КЕЛИШГАНИ УЧУН



Франциянинг монополияга қарши бошқармаси маълум қилди. Таъкидланишича, Apple ўзининг икки улгуржи дилери – Tech Data ва Ingram Micro компаниялари билан ўзаро рақобат қилмаслик ва дилерлар ўртасида рақобатни бартараф этишга келишиб олган. Компаниялар шу тарафда Apple маҳсулотлари улгуржи бозорини рақобатдан маҳрум этган.


ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИГА КўРА



Хитойлик олимлар 2 000 нафардан ортиқ беморлардан олинган қон таҳлилларини текширишди ва иккинчи гуруҳга мансуб одамларда коронавирус билан касалланиш эҳтимоли нисбатан кўпроқ эканлигини аниқлашди. Биринчи гуруҳли қон эгаларига бу инфекция бошқаларга қараганда камроқ юқаётгани тасдиқланган. Мазкур тадқиқот натижалари «MedRxiv» электрон илмий кутубхонасида эълон қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

СИНОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА




Француз олимлари CARC-COV-2 коронавирусига қарши препаратни муваффақиятли синовдан ўтказди, деб хабар беради «International Journal of Antimicrobial Agents» нашри. Тадқиқотда антибиотиклар ҳамда гидроксихлорохин ва азитромициннинг комбинацияси билан даволаш усули синовдан ўтказилган. Натижада бу комбинацияни қабул қилган беморларда кейинчалик CARC-COV-2 аниқланмаган. Тадқиқот муаллифлари бу дастлабки натижалар эканлини, бироқ умид борлигини таъкидлаб ўтган.

ХОТИРА – АЗИЗ

75 ЙИЛЛИК ХАТ МУЗЕЙ ФОНДИГА ТОПШИРИЛДИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган «Галаба боғи» ҳамда унинг ҳудудидagi «Шон-шараф» музейи экспозициялар фондиди шакллантириш ва бойитиш учун Ишчи гуруҳга амалий ёрдам бериш борасида ҳамкорликка чақириб, эълон берилган эди.



Фаол ҳамюртларимиз чақириққа «лаббай» деб жавоб бериб, мурожаат қилишни бошлади. Улардан бири кўпчиликнинг диққатини тортди. Бу 1945 йил 20 март куни фронтда имзо қўйиб, юборилган мактуб эди. Роппа-роса 75 йиллик!

Мурод Абдураззоқовга келган мактуб фашистларга нафрат билан битилганди. Унда галабага эришилаётгани, душман жасаглари атрофни тутгани ёзилганди. Муаллиф Ғулom Абдураззоқов юртни соғинганини, ерга меҳр беришларини илтимос қилади. Ўлмай борсам, ўзим барча ерларни обод қиламан, дея она тупрокни кўмсайди. Мурод бобонинг катта фарзанди Илҳомжон Муродов 1943 йил Украинадаги жангларда душманга қарши курашда ҳалок бўлганди. Ватанни кўмсаб қалам тебратган Ғулom бобо ҳам бу сўнгги мактуби эканини билмаган, албатта...

Мурод бобонинг набираси Юлдуз Эшматова мактубни музей фондига топширар экан, эҳтиёт қилиб асрашимизни қайта-қайта тайинлади.

Ишчи гуруҳга кўрсатилаётган бу каби кўмак ва мурожаатлар билан Сиз, азизларни таништириб боришга ҳаракат қиламиз.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ



Пахтачида хотира майдони таъмирланмоқда



Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани, Зиёвуддин кўрғонида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» Қудрат Суёновнинг ҳайкали таъмирланмоқда.

Пахтачи тумани ҳокими Музаффар Ҳамдамов ташаббуси билан барпо этилаётган хотира хиёбонидаги баландлиги беш метрлик бронза ҳайкални таъмирлаш ва туман тарихий музейининг қурилиш ишлари учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Қудрат Суёнов номи билан аталадиган кўчанинг бошида қад ростлаётган хотира майдони туман аҳолиси, қолаверса, ёшларнинг сезимли масканларидан бири бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, ушбу маъмула Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 75 йиллик байрамига муносиб совға бўлади.

Ҳозирда таъмирлаш ва қурилиш ишлари деярли якунланиб қолди. Манзарали дарахт кўчатлари экилиб, ён-атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Хотира хиёбони йўлакларига замонавий ёритиш ускуналари ҳамда ўриндиқлар ўрнатилди.

Пахтачи тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жасур Болтаевнинг таъкидлашича, келгусида никоҳ тўйларини нишонлаётган келин-куёвлар томонидан эҳтиром сифатида қаҳрамон ҳайкали пойига гул қўйиш аънанаси йўлга қўйилади.

Шунингдек, Қудрат Суёнов кўрсатган жасорат намунасида ҳикоя қилувчи мазкур хотира хиёбони ёшларнинг она Ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини ардоқлаш каби ватанпарварлик руҳида вояга етишига хизмат қилувчи муҳим масканлардан бири бўлиб қолади.

Асрор РЎЗИБОВ

«ЖАНОБ АМЕРИКА»

Бир эсланг-а, беш-олти ёшда-миз, ўз дунё-миз, тасаввурга бой оламимиз шакллана бошлаган пайт. Саволларимиз кўп, моҳир кузатувчи ва қойилмақом тақлидчи эдик. Онамизга ўхшаб бола парвариш қилишни ёхуд дадамизга ўхшаб машина ҳайдашни орзу қилардик ва бу турли ўйинларда акс этарди. Онамиз билан аргимчоқ учиш, дадамиз билан велосипед ҳайдашни ўрганиш бизга завқ бағишларди.

Яқинда беш ёшли жияним бир кўлига болта, бўйнига ошхонада тақиладиган этакни олиб, иккинчи кўлига кичик ясси тоғорачани ушлаб, зинадан тушиб келяпти. Айтишича, у супер кучга эга, «Жаноб Америка» экан. Бир зумда душманни мағлуб этаркан. Ясси тоғора «қалқон»и ва болта фильм қаҳрамони Торнинг сеҳрли қуроллари экан, бўйнидаги этак эса «Жаноб Америка»нинг ёпинчиги эмиш. Бир кулдим, бир аччикландим. Буюмларни жойига қўйиб, болтани яширдим. Бу билан иш битмаслиги аниқ. Дарахтнинг мевасини емоқчи бўлсанг, ниҳоллигидан парвариш қил, дейишган. Чет эл қаҳрамонлари таъсирида улғаяётган ёш авлодга миллий руҳ ҳақида гапиришнинг фойдаси йўқлигини биламан. Шу сабабли унга Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур қатнашган эртақларни айтиб бера бошладим. Жияним уларни кўришни, мультфильми борми ёки йўқ шунини билишни истади. Унга Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди расмларини кўрсатганимда кўзи ҳайратга тўлди. Шунда англадимки, мактабга борганига қадар болаларнинг улғу аждодларимиз ҳақидаги тасаввурини бойитишимиз керак. Бу унинг руҳиятига қувват беради, юрт ва миллат ҳақидаги тушунчаларини шакллантиради. Шундан буён жиянларим билан алоҳида ишлай бошладим. Аммо кўча-кўйда болаларнинг чопиб ташлайман, йўқ қиламан, лазерларим билан кўйдириб ташлайман – деган бақириқлари мени хавотирга солади...

Малика НОРБЕКОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳарбий журналистика йўналиши талабаси

ЭНГ ОПТИМИСТ ШАҲАР



АҚШнинг «Gallup, Inc.» таҳлилий ва консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган «Жаҳоннинг бахтиёрлик ҳисоботи – 2020» (World Happiness Report)да қайд этилишича, Ўзбекистон бахтли мамлакатлар рейтингида 153 давлат орасида 38-ўринни, МДҲ давлатлари орасида эса 1-ўринни эгаллаган. Рейтингдаги энг юқори ўринлардан Финляндия, Швейцария ва Исландия жой олган. Шунингдек, сўровномалар натижасига кўра, дунёнинг йирик шаҳарлари орасида Тошкент – аҳолиси энг оптимист шаҳарга айлангани маълум қилинган.

ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ



АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео эълон қилинмаган ташриф билан Афғонистонга келди. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар берди. Маълумотларга кўра, Помпеонинг мамлакат Президенти Ашраф Ғани ва президентлик сайлови натижаларини тан олмаган Абдулла Абдулла билан учрашувлари ўтказиши режалаштирилган. 29 февралда Қатар пойтахти Доҳада АҚШ ва «Толибон» ўртасида тинчлик сулҳи имзоланган эди. Бироқ 19 март куни Афғонистон ҳукумати «Толибон» томонидан келишувлар бажарилмагани тўғрисида унга қарши жанговар ҳаракатларни қайтадан бошлашга кўрсатма берди.

РАҲБАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон бир қатор вазирлик ва идоралар, Сўғд вилояти ижроия органлари, шунингдек, ун ва ёғ ишлаб чиқарувчи компаниялар раҳбарлари ҳамда дон маҳсулотлари таъминотчилари билан йиғилиш ўтказди. Унда Президент Мурожаатномаси, давлат дастурлари ва 2030 йилгача бўлган даврда мамлакатни ривожлантириш Миллий стратегиясида белги-ланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

НАЗМ ГУЛШАНИ

ТҶЙЧИ ЭРЙИГИТОВНИНГ
СЎНГГИ НИДОСИ

Ўзбек ўғлони Тўйчи Эрийгитов душман пу-
лемётини кўкси билан тўсиб, қуролдошлари
ҳаётини асраб қолган ва ўзи қаҳрамонларча
ҳалок бўлган.

Алвидо, онажон, алвидо, Ватан!
Қўл силкиб қолган эй халқим, алвидо!
Ўжар ўғлингизни афв этинг, ота,
Афв этинг, йиғлатар, бу сўнги нидом.

Қараб туrolмадим ахир бепарво,
Дўстларга, Ватанга отилган ўққа.
Кўксим тилка-пора бўлиб кетди, ох,
Лекин мен ўлмадим, чиқмадим йўққа.

Мен кўриб турибман, ана, дўстларим,
Душмандан мен учун олишар қасос.
Мен сўзлай оламан, фақат сўзларим,
Алвонранг шафаққа айланган, холос.

Демак, мен тирикман, йиғлама, халқим,
Кўзларинг ёшини артгил, онажон!
Ахир, мен ўлимни ўлдирмоқдаман,
Кўксимда бўғилиб бермоқда у жон.

ВАТАН МАДҲИ

Аждодлар қолдирган мерос Ватаним,
Зилол сувларингда яйрайди таним.
Осмонинг мусаффо тинч бўлса бўлди,
Сенга жоним фидо, Ўзбекистоним!

Унумдор тупроғинг барака асли,
Ўзингда мужассам табиат фасли.
Хизматингда доим мард ўғлонларинг,
Алпомиш йигитлар, Темурбек насли.

Қадим тарих ўтмишингни сўйлагандир,
Достонларда халқинг дарди куйлагандир.
Осмонингда порлар бугун бахт қуёши,
Байроғимиз дунёларга бўйлагандир!

Юрагимда жўш уради шу эл ишқи,
Ватан десам қалқиб турар кўксимда жон!
Мадҳинг куйлай шеърларимда номинг битиб,
Она юртим, эй ҳур ўлкам, Ўзбекистон!

Аскар ўғлон

Ўзбекнинг мард аскар ўғлони,
томирида оқар Темурбек қони.
Баланддир доимо бу мағрур боши,
Юртимнинг таянчи – чўнг паҳлавони.

Сен борсан, юртга ёв яқин келолмас,
Сарҳадинга ҳатто оёқ босолмас,
Душман айёр, маккор бўлса ҳам,
Нигоҳингдан асло қочолмас.

Юртингни кўриқла, ғурурлан ундан,
Боболар руҳлари шод бўлар бундан.

Аскар ўғлон турса сафларда,
Тинчлигимиз абадий шундан.

Кичик сержант Азамат ХУРРАМОВ

Бардам бўлинг, ота, бардам бўл, Ватан!
Бардам бўлинг, акам, укам, севгилим!
Йиғламанг мен кетар бўлсам-да, зотан,
Мангулик томондир – бу тутган йўлим!

БОТИРЛАР ЁДИ

Дарёга қўшилган ҳар битта ирмоқ,
Дарё тўлқинига шиддат бергайдир.
Хазонга айланган ҳар битта япроқ,
Дарахт илдиизига қувват бергайдир.

Чинордек Ватаним, дарё – Ватаним,
Унутмагил асло ирмоқларингни.
Сенинг гулламоғинг, яшнашинг учун,
Ўзин фидо қилган япроқларингни.

Ҳар кимда ҳам етмас, ахир, матонат,
Кўксини ўқларга қалқон қилмоққа.
Ҳар қалбада топилмас журъат, жасорат,
Ватан учун ўзин қурбон қилмоққа.

Кўқда юлдуз бўлиб ёнгайдир бедор,
Элим дея ўққа учган ўғлонлар.
Халқим юрагидан ўчмагай зинҳор,
Юртим дея жондан кечган инсонлар.

Улар ҳеч ўлмагай, тирикдир, тирик,
Нур бўлиб яралган улар қайтадан.

Уларнинг ҳаёти энди – Мангулик,
Муқаддас руҳларин шод этар Ватан!

ҚИРҚ БЕШИНЧИ
ЙИЛ ЁМҒИРИ

Ёмғир шитирлайди. Майсалар унар,
Заминнинг кул босган далаларида.
Ёмғир шитирлайди. Малҳам қўйилар,
Ватаниннг тўрт йиллик яраларига.

Ёмғир шитирлайди. Мисли хушхабар,
Борлиққа сочилар маржон доналар.
Севинч ёмғирида ивиб, жилмаяр –
Фарзанди жанггоҳдан қайтган оналар.

Ёмғир шитирлайди. Отасиз қолган –
Мурғак гўдакларнинг кўз ёшларидай.
Ёмғир шитирлайди. Сўнгсиз армонлар –
Тул қолган аёллар бардошларидай.

Ёмғир шитирлайди. Кетамиз яйраб,
Биз – шу ёмғирдан сўнг унган майсалар.
Кошқийди, дунёнинг бор майсалари
Бахтли ёмғирларга ета олсалар.

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоир,
истеъфодаги полковник

ВАТАНДИР БУ, ЖОН ВАТАН

Омонатли дунёнинг
жон ичра яшар сўзи,
Юртга зор кимсаларнинг
ҳижрондан ёшли кўзи,
Бобом Бобур Мирзонинг
асрлар тинмас бўзи –
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Тўмариснинг кўксида
қудратга инган титроқ,
Минг ёвга бас келмоққа
шиддати етган Широқ,
Фотиҳлар талошида
тахтин бермаган тупроқ –
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Алп эрларни кифтида
улғайтирган жафоқаш,
Не-не баҳодирларин
асролмаган дил оташ,
Мушфиқ дуоғўй она –
оҳи осмонга туташ,
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Чўлпон, Қодирийларин
йўқотган кўкси пора,
Усмон Носир дардига
куйди, тополмай чора,
Чўли Ироққа сингиб
айлади дилхун нола,
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Қашқирлар қуршовида
бағри таланган карвон,
Не ёғий, не ситамга
кўкси бўлмади нишон,
Нурли йўлга бошлар
интиқиб кутди сарбон,
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Истиқлол қуёшидан
чекинди асрий зулмат,
Қақшаган бағрларга
малҳам бўлди қадрият,
Саодатли кунларнинг
пойига сингди қудрат,
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Жалолиддин, Темурбек,
Улуғбеклар юрти бу,
Алп Тўнгадек шерлари
афсона бўлган мангу,
Осиёнинг юраги,
буюк Шарқнинг нури у,
Ўзбекистон деганда
кўкка ўрлайди ёғду,
Ватандир бу, Ватандир бу, жон Ватан!

Зулфия ЮНУСОВА

ҚАРАҚАЛПАҚПАН

Мийрас маған Тумаристин эрлиги,
Жаў келседе ҳасла мойын иймеген.
Қанымда бар Гулайым даўжуреклиги,
Ўатан сўзин жаннан кейин келмеген.

Козимдеги айбат өткен Маманнан,
Анам ҳаслы Қумар ана урпағы.
Жалған сөзге шыдамы жоқ адамнан,
Басымда бар қарақалпақ қалпағы.

Тарийх десе қаным қайнар от болып,
Жузге салар әдетимди айып деме.
Қарақалпақты сен биринши көрместен,
Қулақ қағыс әнгимеге ере көрме.

Халқым десем бул жүрегим қайнап кетер,
Мен бул жерге бабамлардай садықпан.
Мийли журтлар не айтса, не десин дер,
Ҳақтың ерке улы қарақалпақпан!

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА

ҲАРБИЙЛАРНИНГ АЁЛИ

Тоғлардайн юксак сабри, бардоши,
Жозиба, кўркам дил, меҳр сирдоши.
Дунёни илитгай кўнгил қуёши,
Эр йигит ошуфта ёр қалам-қоши.
Бу ҳарбий ўғлонлар турмуш ўртоғи,
Шерюрак йигитлар кўнглининг тоғи.

Сочларига ошиқ ҳатто мажнунтол,
Ҳаё-ла юз очган кўкдаги ҳилол.
Қалблари шукрона билан бойиған,
Шабнамдай мусаффо, яноқлари ол,
Бу ҳарбий ўғлонлар турмуш ўртоғи,
Шерюрак йигитлар кўнглининг тоғи.

Агар бир мўъжиза бўлса, бу сизлар,
Энг ёвқур бургутга берилган кўзлар.
Фаришта чехра-ю офтобли юзлар,
Қалқонмиз ҳар нафас доимо бизлар.
Сиз, ҳарбий ўғлонлар турмуш ўртоғи,
Шерюрак йигитлар кўнглининг тоғи.

Контракт бўйича ҳарбий
хизматчи, оддий аскар
Алиёр МИРАЗИМОВ





BOBO, BOLA, GUL

Bobo eshigi oldidagi supada soatlab o'tirardi. O'tgan-ketganga choy tutib supachasiga taklif qilardi.

Bu bahor u supa yonboshiga kichkinagina gulzor qildi. Chiroyli jo'yakchalar tortib anvoyi gullar ekdi. Mana, bir tup atirgul g'unchaga ham kirdi. Ayniqsa, bitta g'uncha ana ochilaman, mana ochilaman deb turibdi. Cholning ikki ko'zi shu g'unchada.

Tikilgan qozon qaynamas, degandek uning ochilishi juda qiyin bo'ldi. Bobo unga tikilaverib, ko'zlari toldi.

Bir kun ertalab odati bo'yicha sholchasini sudrab supaga chiqsa biram chiroyli bo'lib ochilibdiki. Chol tishsiz og'zini ochganicha unga tikilib qoldi. Sholchani supaga tashlab, gul tepasiga kelib engashdi.

Kafti bilan uni beozor ko'tarib, huzur qilib hidladi.

Boboning tabiati ravshan bo'lib ketdi. Sholchani supaga xotirjam yozib, choy olib chiqqani kirib ketdi. U qaytib qo'lida choynak-piyola bilan chiqqanda gul bandida yo'q edi. U hayron bo'lib u yoq-bu yoqqa qarasa, ko'chani narigi betida bir xotin aravachada o'tirgan ikki yoshlar chamasidagi bolasiga o'sha gulni beryapti.

Boboning g'azabi qaynab ketdi. Bu nimasi, kap-katta odam, birovning gulini uzgani uyalmaydimi? Bu yashnab turgan gul qanchadan-qancha kishilarning bahridilini ochardi.

Bola onasining qo'ldan gulni oldi-da, qip-qizil bargchalarini yulaverdi. Birpasda uning oppoq ko'ylaklari, ko'k tovar

ko'rpachalari gul yaproqlariga to'ldi.

Bola oppoq qo'lchalari bilan shu yaproqchalarni birma-bir terib tiqmachoqdek tizzalariga sochar, qiyqirardi.

Bobo uning qiyqirishidan, gul barglarini sochib o'ynashidan zavqlanib ketdi. Boyagi jahldan nom-nishon qolmadi. Qaytib supasiga o'tirdi. Gulning birinchi g'unchasi kuttirib ochiladi. Keyin biri ketidan biri ochilaveradi.

Bobo har gal ertalab chiqqanida gullarining yashnab ochilib turganini ko'rganida negadir o'sha bolani eslaydi. Uning yana kelib gul uzishini, do'mboq qo'llari bilan uni silkitishini istardi.

Shukur XOLMIRZAYEV,
O'zbekiston xalq yozuvchisi



Bahor keldi

*Bahor keldi, uyg'otib,
Dillar zavq-shavqin.
Anhorlarda toshib suv,
Soladi shovqin.*

*Yerdan kom-ko'k maysalar
Ko'tarmoqda bosh.
Dehqon kezar dalada
Chiqmasdan quyosh.*



O'YLA, YILA, TOP!



БУ ҚИЗИҚ!

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА

биринчи марта содир бўлган?

Ҳозирги даврга келиб жамоат транспортининг муҳим ва ажралмас қисмига айланган метро 1846 йилда пойтахт темир йўллари бўйича Қироллик комиссиясига ўз лойиҳасини тақдим этган лондонлик Чарльз Пирсон томонидан ўйлаб топилган. Унинг таклифига кўра, 1853 йилда North Metropolitan Railway компанияси ташкил этилган ва молявий камчиликлар туфайли анча кечикиш билан, яъни 1860 йилнинг январь ойида Лондоннинг Истон Сквер районида биринчи тоннелнинг қазishi ишлари бошланган. Узунлиги тўрт миляни ташкил этувчи **дастлабки метро йўналишининг очилиш ма-**



росими 1863 йилнинг 10 январиди, тонги соат 6 да бўлиб ўтган. Йўналишда 7 та станция бўлиб, охириги станциягача етиб бориш вақти 33 дақиқани ташкил этган. Вагонлар газли ёритиш тизимига эга бўлган. 1868 йилнинг 1 октябрида метронинг биринчи ҳалқа йўли очилган бўлиб, у биринчи йўналиш билан Сауф Кенсингтон станциясида кесишган, бу эса йўловчиларга илк бора бир йўналишдан бошқасига ўтиш имкониятини берган.

Расман 1890 йилнинг 4 ноябрида айнан Лондонда очилган Сити – Сауф йўналиши **метронинг биринчи электрлаштирилган линияси** сифатида тарих саҳифаларидан жой олган. Шу кун Уэльс шаҳзодаси биринчилардан бўлиб Кинг Уильям Стрит станциясидан Овал станциясигача ер ости саёҳатини амалга оширган. Бу йўналишда, масофадан катъи назар, йўл ҳақи 2 пенсни

ташкил этган. Оғирлиги 12 тоннага тенг бўлган қирқ гилдиракли локомотивлар соатига 11,5 миля тезликда ҳаракатланган.

Массачусетслик Перси Спенсер 1945 йилнинг 8 октябрида **биринчи микротўлқинли печга** патент олган. Бу ғоя унга магнетрон



(радиолокатор детали) ёнида турганида, чўнтагидаги шоколад эриб кетганини кўрганидан сўнг келган.

Уйда фойдаланиш учун мўлжалланган биринчи микротўлқинли печлар 1955 йилда АҚШда «Таппан» фирмаси томонидан ишланган ва

1 295 доллар нарх билан сотувга чиқарилган. Уларнинг ўлчами анча катта, яъни совутиқлар билан тенг бўлиб, 220 вольт кучланишда ишлаган, ўрнатилган эса нафақат электр устаси, балки совутиш тизимини улаш учун гидравлика устаси ҳам жалб этилган. Аммо бу печнинг битта камчилиги бўлиб, унда ҳар бир америкаликнинг энг севимли таоми – катта, қалин ва мазали биштексни тайёрлаш имкони бўлмаган. Бу эса уларнинг сотувига салбий таъсир кўрсатган. 1953 йилдан 1967 йилгача АҚШда 11 мингдан ортиқ ана шундай микротўлқинли печлар сотилган. Бироқ 1967 йил августда столга жойлаштириш мумкин бўлган биринчи модель пайдо



бўлгандан сўнг уларнинг савдоси тезлашиб кетган.

Кўпчилигимиз учун яхши таниш бўлган **аспирин биринчи марта** майда кукун (порошок) кўринишида 1899 йилнинг май ойида Германиянинг «Байер АГ» компанияси томонидан сотувга чиқарилган. Ацетилсалицил кислотаси (аспирин) – бу ҳимояланган савдо маркаси) биринчи бор 1853 йилда кимёгар Карл Герхардт томонидан синтезланган, бироқ фақат 1897 йилга келиб доктор Феликс Хофман уни терапияда қўллаш учун зарур бўлган тоза шаклда олишга эришган. Дастлаб аспирин фақат Германияда врач рецепти бўйича сотилган. Таблетка кўринишидаги аспирин эса «Байер» фирмаси томонидан 1915 йилда ҳар бир қадоқда 20 донадан ишлаб чиқарила бошланган.

Биринчи газ плитаси 1826 йилда Англиянинг Нортемптон шаҳридаги газ заводи директорининг ассистенти Жеймс Шарп томонидан лойиҳалаштирилган. Бу турдаги дастлабки плиталар 1834 йилда сотувга чиқарилган. Лемингтондаги меҳмонхоналардан биринчи муносабат билан 100 кишига мўлжалланган махсус тушлик уюштирилган ва унда меҳмонларга фақат газ плитасида пиширилган таомлар тортиқ этилган. Замонавий хилдаги печкали плиталарнинг илк нусхалари эса 1852 йилда пайдо бўлган.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

МАҚТОВ
ширин оғу,
ширин ўлдирар.

Рауф ПАРФИ



БИЛАСИЗМИ?

1997 йилда Италия ҳукумати янги қонун қабул қилди. Унга биноан профессионал артистлар ва спортчилар бир ишдан озод этилдилар. Нимадан?

Жаваб: озод этилмаган.

БИЛАСИЗМИ?

Наполеон Бонапарт қўшинидаги аскарларнинг ташки кийими каби ички кийимларининг ҳам ранги бир хилда бўлишини буюрган. Нима учун ва у қайси рангда бўлишини талаб қилган?

Жаваб: қон кўринмас-дўрлик кийимли.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Амир Темури қўшини вабога йўлиққанми?

Гадойнинг аянчли қиссаси

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

лейтенант
Алибек ОМОНТУРДИЕВ

Саҳифаловчилар:

Раимиз ВАЛИЕВ
Олим БЕРДИЕВ

Мусахҳиҳлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-362
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 37 774 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума кунини чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.